

634.4
K-891

ЎЗССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

В. В. КУЗНЕЦОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
МЕВАЛИ
СУБТРОПИК
ЎСИМЛИКЛАР

44272



ЎЗССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

В. В. КУЗНЕЦОВ

634.4
к-891

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВАЛИ СУБТРОПИК ЎСИМЛИКЛАР

М. МИРЗАЕВ
таҳрири остида

44272

БИБЛИОТЕКА
УАГСХИ
г. Самарканд

УзССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

Тошкент—1949

ЎЗБЕКИСТОНДА СУБТРОПИК ДАРАХТЛАР

КИРИШ СЎЗ

Совет халқининг моддий аҳволи йил сайин яхшиланмоқда. Меҳнаткаш халқимиз борган сари яхши ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Совет давлати халқимизни қисқа муддат ичида мўл озиқ-авқат, мевалар ва ҳархил навдаги сабзавот экинлари билан таъминлаш масаласига зўр аҳамият бермоқда.

Революциягача Россиянинг кўпчилик халқи учун мева жуда тансиқ эди. Меҳнаткаш омманинг кўпчилик қисми эпельсин, мандарин, анжир ва анорга ўхшаш мева маҳсулотлари борлиги тўғрисидаги тушунчага ҳам эга эмас эдилар. Чунки улар жануб мамлакатлардан келтирилар эди. Чор ҳукумати бу мева дарахтларини ўз тупроғида ўстириш учун ҳеч аҳамият бермас эди. Ваҳоланки ўша вақтдаги Россиянинг четдаги ва қолоқ мустамлакалари бўлган ҳозирги миллий республикалар — Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистонда бу мева дарахтларини ўстириш ва кўпайтириш учун жуда қулай шароитлар мавжуд эди.

Ўзбекистонда субтропик ўсимликлардан кўп тарқалгани анор, анжир, хурмо, жилон-жийда ва бодом дарахтлари бўлиб, фейхао дарахти кўпчилик оммага кам маълумдир. Писта эса ўзинча ёввойи ҳолда ўсиб, кўп ерларни ишғол этган.

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг Х с'езди ЎзК(б)П Марказий Комитетини, ЎзССР Министрлар Советини, тегишли министрликларни, партия ва совет ташкилотларини субтропик ўсимликларнинг кенг масштабада, тез сур'ат ва қисқа муддатда ўстириш ва кўпайтиришга мажбур қилди.

Бу қарор СССР Министрлар Совети, ВКП(б) Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Сталиннинг СССРда субтропик ва цитрус ўсимликларни мумкин қадар кўп

Ўстириш, уларни шимолий район шаронтига мослаштириш тўғрисидаги қарор ва кўргазмаларига мувофиқдир.

Бу қарор — 1949 йилда Ўзбекистонда 38.000 туп лимон, 5000 эвкалипт дарахт кўчатларини ўтқозишга мажбур қилади. Ундан ташқари экилиши керак;

	1949 йил	1950 йил
анор	160 га	160 га
анжир	58 га	81 га
хурмо	10 га	19 га

Субтропик ва цитрус ўсимликлари юқори иқтисодий ва овқат сифатида катта аҳамиятга эгадир. Буларнинг кўпчилиги мева беради, мевалари эса овқат ва ноз-неъмат жиҳатидан қимматлидир. Совет социалистик давлатимизнинг шимолий районларига бу мевалар жануб республикалардан кўп миқдорда келтирилади.

Бу китобда субтропик мевали ўсимликлардан: анор, анжир, хурмо, фейхао, жилон-жийда (унаби), бодом ва писталарни та'рифлаб ўтамиз.

А Н О Р

Анорнинг ботаник номи — пуника гранатум. У, узоқ муддат яшовчи, мевали ўсимликдир. Анор дунёнинг жанубий мамлакатларида кўпчиликка ма'лум бўлган ўсимликдир. Анорнинг келиб чиқиш жойи — Эрон ва унинг яқинидаги Туркия, Афғонистон мамлакатлари деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари анорнинг ёввойи чакалакзорлари Озарбайжон, Хисор тоғи қиррасидаги Тўпаланг—дар'ё бошида, Туркменистондаги Копет—Доғда ва Тожикистон ССРда Панж дар'ёсининг бош қисмида ҳам бор.

Анор ёввойи ҳолда беор бўлиб қояларда, тошли жарларда, ба'зан тоғ этакларидаги тошпарчалар орасида ҳам ўсади.

РЕСПУБЛИКАДА АНОР ЭКИЛГАН ЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҚСИМИ

Ўрта Осиёда анор ўсимлиги, кўпроқ Ўзбекистонда кўп учрайди, бу ерда анор дарахти деярли ҳамма районларда топилади, лекин саноатда ишлатиш характерига эга бўлган анорлар айрим районларга ажратилган.

Саноат аҳамиятига эга бўлган анор дарахтлари республикамизнинг асосан 9 районида: Фарғона областининг Қува ва Марғилон, Андижон областининг Андижон, Наманган областининг Наманган, Косонсой ва Янгиқўрғон, Бухоро областининг Бухоро, Қашқадар'ё областида, Китоб, Сурхондар'ё областининг Сарийосиё районларида ўстирилади.

Бу ерларда республикамиздаги анор дарахтларининг 93,6% ўсади. Айниқса 5 та район: Андижон, Наманган, Қува Китоб, Сарийосиё районларида анор экилган ернинг катталиги ва мевасининг яхши нави билан ажралиб туради. Бу районларда Ўзбекистондаги анор дарахтининг 76,9% жойланган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар анор кичик ерларда экилар эди. Совет ҳукумати даврида айниқса Улуғ Ватан уруши йилларига қадар кўпгина совхоз ва колхозларда 10 ва ундан ҳам ортиқ гектардаги ерларда саноат аҳамиятига эга бўлган анор кўчатлари ўтқазилган эди.

Анордан фойдаланиш

Анордан ҳархил йўллар билан фойдаланиш мумкин. Меванинг узоқ вақт (4—8 ой) сақлаш қобилиятига эга бўлиши уни узоқ вақт ичида ҳўл мева тариқасида истеъмол қилиниши учун имконият беради. Анор донлари хушбўй, кўнгилочар, тотли шира беради, бу шира юқори диетик хусусиятига эга.

Анорнинг шираси кислота, шакар ва беморлар учун даволи моддаларга бой бўлиб, зангла касалини даволашда ва овқатни яхши ҳазм қилдиришда хизмат қилади.

Ўрта Осиё халқ табиблари анор сувини йўтал, шамоллаганларга ва безгак касалига дори ўрнида ишлатадилар.

Озиқ-овқат саноати анордан ҳархил навидаги ширалар, сироплар, енгил ичимликлар, винолар тайёрлайди. Закавказьеда анор ширасининг қайнатилгани — нон — шароб ёки нашараби жуда машҳур бўлиб, турли таомлар тайёрлашда ишлатилади. Ўзбеклар ҳам тожиклар анор ширасини миллий овқатлари — паловга қўшиб ейдилар.

Анорга апельсин ёки лимон пўчоқларини қўшиб ҳархил мураббо ва вареньелар тайёрлайдилар. Анорнинг

гўзал қизил рангини кондитер маҳсулотларига, мороженый ва пирожнийларга ранг бериш учун ишлатадилар.

Қуритилган анор гули, пўстлоғи, дарахт ва илдиз қобиғлари ичак, томоғ ва бошқа касалликларни даволаш учун қўлланилади.

Анорнинг пўчоғи, дарахт ва илдиз қобиғида 22—38% танин моддаси бўлган сабабли тери ошлаш учун энг юқори нав'ли материал сифатида ишлатилади.

Анорнинг гули, пўчоғи, дарахтнинг қобини ҳархил юнгли ва ипакли газламаларни бўйаш учун ишлатилади. Гулидан олинган ранглар гўзал пур-пур рангга бўйаб, қолганлари (пўчоқдан, дарахтнинг қобиғидан олинган ранглар) сариқ рангга бўйайди. Анордан олинган рангларга ҳархил моддаларни қўшиб турли рангдаги бўёқлар тайёрланади. Анордан олинган бўёқларнинг ранги ўчмайди ва пишиқ бўлади.

Анор пўчоғи темир тўтёйиси эритмасида сақланган ҳолда қора сиёҳ беради. Анорнинг уруғи эса сирка тайёрлаш учун ишлатилади.

Анорнинг агробиологик характеристикаси

Ўзбекистонда анор дарахтини қишқи мавсумда ерга кўмиш қулай бўлиши учун дарахтни бўта ҳолида бир неча шохчалар блан ўстириш яхши бўлади (расм 1). Бутанинг бўйи 2-5 метр бўлиб, остки қисмининг йўғонлиги 15-20 сантиметргача етади.

Дарахт крем рангига ўхшаган бўлиб, пишиқ ва мустаҳкамдир. Майда-чуйда асбоблар тайёрлаш учун ишлатилса бўлади.

Анор вегетация (ўсиш) даврида илдиз олдида кўп ниҳоллар чиқаради. Бу унинг сурх дарахтга ўхшаб ўсиши учун ҳалақит беради.

Шохлари — ингичка, цилиндр шаклида, ёш шохчалари эса тўрт бурчаклик бўлади. Шохларда 0,4 см, 1,8 см гача тиконлари бўлади. (расм 2).


Нордон анор нав'лари ширин анор нав'ларига нисбатан сер тикон, ёввойи нав'лари эса жуда ҳам тиконли бўлади.

Шохлари кул ва мош рангларининг аралашган тусида, янги ўсиб келаётган нав'ларнинг ранги эса оч мош рангида бўлади.

Куртаги — майда, жигарранг, тангачага ўхшаш ясси бўлади. Сиртқи куртаклардан ташқари шохларда ва нов-


даларда ҳали униб чиқмаган куртаклари ҳам бўлади. Асосий сиртқи куртаклар ҳалок бўлган ёки зарарланган тақдирда ухлаб ётган куртаклари уйғониб ноеда беради.

Барглари—кичик, эллиптик, узунчоқ ёки ланцет формасида бўлади. Баргнинг чети текис, узунлиги энидан 3,5-4 марта катта бўлади. Баҳорда барг қизғиш рангда бўлиб, кейинчалик оч мошрангига айланади, нордон



Расм 1.
4 яшар мевали анор.

нав'даги анорларнинг барглари интенсив (очиқ) рангли бўладилар. Баргларининг усти ялтироқ бўлади. Ўзбекистонда анорлар қишгача баргларини тўкадилар.



Расм 2. Анор кўчати

Гуллари — катта, гўзал, очиқ қизил рангли, шоҳларининг учиди якка-якка ёки 2 – 5 донаси шодача бўлиб туради.

Анор икки ҳил гуллайди. Уларнинг бир-бирларидан шаклига қараб ажратиш мумкин. Бири—узун, қўзачага ўхшаган бўлиб, иккинчиси—калта, қўнғироқ шаклида бўлади. Биринчисининг номи оналик гули аталиб, тугунча ҳосил қилиши ва оналик қисмининг нормаль ўсиши билан характерланади, бу гуллар тушиб кетмай, чатишгандан сўнг мева тугади. Иккинчисини отали деб аталади, тугунчаси бўлмайди ёки бўлса ҳам кичкина, ўсмаган бўлади, Бу гуллар очилганидан сўнг тезда тушиб кетади, ва мева тугмайди.

Анорзорлардаги ҳосил беручи айрим тупларда фақат эркак гул берадиганлари ҳам учрайди. Бундай туп анордан қаламча олиш ярамайди.

Анорнинг меваси—Шарга ўхшаган думалоқ бўлиб, сиртидаги тирноқ бетидек пастликлар уни безатиб туради. Меванинг катта-кичиклиги ва ранги уларнинг нав'ига ва парваришига боғлиқдир. Анорнинг устки қобиғини очганимизда ичидан силлиқ, ялтироқ, очиқ қизил рангдаги, ёки сариқ-қизил ранглариининг ўртасидаги анор донларини кўрасиз.

Йирик мева берадиган анор нав'ларининг меваси 300 гр ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Китоб район Варганза қишлоғида Ўлфи нав'даги анорнинг алоҳида туплари 800—1000 граммгача етказиб дона тугади. Сарисийё район Дашнабод қишлоқли колхозчи Хожиқул Азимов 1936 йилда Қозоқи нав'даги анор тупидан икки килограммгача оғирлиқда бўлган меваларни узган; Резавор, мевачилик институтини Тошкент шаҳар атрофидаги эксперимент участкасидаги боғда Бедона нав'ли туп 1948 йилда 850 граммгача етказиб ҳосил берган. Меванинг ичи 5—8 хонага бўлинган, серсув пардага ўралган

бўлиб, беҳад донлари бўлади. Анор дарахти шу донлари учунгина ўстирилади. Саноат учун тайёрланган анор мевасининг энг яхши нав'и 65—75% ширали сув ташкил қилади. Меванинг ичида 700 тага қадар дони бўлади. Доннинг йириклиги меванинг йирик-лигига боғлиқ бўлади. Туятиш нав'ларга ўхшаш йирик ҳосил беручи анорларнинг дони ҳам йирик, 1,3 см ва ундан ошқроқ бўлади.

Донларнинг очпушти рангдан (Туятиш) тортиб то тўққизил, қорақизил рангга ўхшаган (қора очиқ нав'и) бўлади. Кўпчилик нав'анор донларининг усти ялтирайди, бу доннинг очиқ ранги, ялтираши донга шу ёқимли ва кўнгил очар тусни беради. Китоб районида ўхшаш ба'зибир районлардаги анор нав'ларининг донлари юмшоқ бўлиши билан характерланадир. Ундай донларнинг уруғлари одатда ажратилмай қўшиб ейилади, тўрп қолмайди. Булар Бедона, Ульфи ва шунга ўхшаш нав'лар ҳисобланади.

Анор дарахтнинг илдизлари — йўғон, сер тормоқли бўлиб, ер тагидан ҳар томонга 3—5 метр илдиз ёяди, бу вақтда у қариб кам ҳосилли бўлиб қолган бўлади. Илдиздан янги кўкариб чиққан ниҳоллари қолади ва ўсиб ҳосилга қиради. Илдизи кўп умрли бўлади. Сарёснэ район Дашнабод қишлоғида бир туп анорнинг учоз йиллик илдизи бор экани аниқланган.

Кўпайтириш — анор уруғдан, қаламчадан, илдиздан чиққанлардан ва шохларни пархеш йўли билан осонгина кўпайтирилади. Саноатда асосан етилган шохнинг қаламчасидан тарқатилади. Уруғдан кўкартирилган анорлар кўп вақт онанинг хусусиятини ўзларида тўла сақлаб қолмайдилар, нав'лари ўхшамайди.

Мева бериш ва ҳосил дорлиги — анорнинг кўпчилик нав'лари қаламчадан ўтказилгандан кейин учинчи йили мева берабошлайди: 6—7 йиллари тўла ҳосилга кирган даври бўлади. Энг юқори ҳосилни 10—25 ёшга 200 кирганда беради. Анорнинг алоҳида туллари 100—150 ва 200 дона мева беради, бу мавсумда бир туп анордан 50 килограмгача ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатади. 1934 йилда Бухоро районидаги алоҳида дарахтлардан 112 кг анор олинган. Бу ҳали чек эмас. Яхши парвартиш натижасида ба'зи колхозларда бир гектар ердан 12—15 тонна, ба'зиларида эса 20—30 тоннага ҳам етказиб ҳосил оладилар.

Анор дарахтининг мева беручи шохлари бирнеча йил ҳосил бериб, 6 йилгача яшайди. Бу шохларнинг ўсиши олманинг ҳосил берадиган шохчаларнинг ўсишига ухшаймайди. Алмада ҳосил берадиган шохчалар жуда секин ўсиб, 20 сантиметрдан ошмайди. Анорнинг ҳосил беручи шохчадан эса, ҳар йили 10—15 см дан 50 сантиметргача ўсади ва мажнун тол сингари эгилган бўлади.

Одатда анор шохларининг учи мева қилади, анор тупининг ички қисми деярлик мева бермайди, бинобарин, шохчаларнинг учларидагина мева қилади, анорнинг шохларини бугаш вақтида бу хусусиятни назарда тутиш керак бўлади.

Ўзбекистонда анорни вегетация даври 170—200 кунга чўзилади, мой ойининг иккинчи ярмларида гуллай бошлайди, ҳосилни йиғиш даври сентябрийнинг иккинчи ярмида бошланиб октябрнинг биринчи ярмигача чўзилади. Шундай қилиб гуллаш бошлангандан мевани йиғиб олгунча 4—5 ой ўтади.

Ўзбекистоннинг энг шимол районларида ҳам ҳосилнинг кўпчилиги дарахт устида етилади.

Ўзбекистонда анорни гуллаш даври икки ойдан узоққа чўзилади ва баҳорнинг энг сўнгги совуқларидан сўнг бошланади. Мева пишиши анорнинг нав'га ва ўсиш районига қараб сентябрийнинг ярмидан октябрийнинг ярмигача я'ни бир ойга чўзлади. Анорни чуқук нав'лари нордон нав'лардан олдин пишади. Гуллаш даврини чўзилганлиги натижасида бир дарахтдаги анор доналарининг ҳаммаси баробар етилмайди. Кечки оналик гуллардан ҳосил бўлган мева пишмайди. Шунинг учун ҳам бу гуллар ҳечқандай қимматга эга эмас.

Меваларнинг пишиши, уларнинг ўсишдан тўхташи, пўчоғининг қотиши, донаси ва уруғи шу нав'га хос бўлган рангга кириши билан аниқланади. Меванинг кўп қисмини дарахтда етилтириш учун ҳосилни бирданига узмасдан, 2—3 марта узиш керак. Ҳосилни йиғиш 7—10 кунда қайталанса дуруст бўлади.

Думбўл узилган меваларни тезликда тарқатиш керак, чунки бундай мевалар сақлангани билан етилмайди, та'ми бузилади ва унга бўлган талабни қондиручи хусусиятлари йўқолади.

Етилтириб узилган мевалар эса, сақланган жойларида ҳам ўзларининг қимматларини оширади.

Ўзбекистон анор тайёрлашда шимолий район ҳисобланади. Анорнинг учигаги куртакларини ва бир ёшли шохларни 12—15° С совуқ дарҳол музлатиб кетади. 18° С даги совуқ эса анор дарахтини музлатиши мумкин, агарда совуқ 20° С ва ундан ҳам пастга тушган вақтида ўсимликнинг очиклиқдаги қисми бутунлай музлайди.

Ўзбекистоннинг аксари районларида қиш мавсумида ҳаво 16—20° С даражадан ҳам ортиқроқ совуқ бўлади, шимолий қисмларида эса 30° дан ҳам ошади. Шу сабабли Ўзбекистонда анорни яхши ўстириш учун уни кузда ўраб қўйиш керак. Жанубий иссиқ районларда енгилгина ўраш блан кифояланиш мумкин, аммо шимолий ва тоғлик районларда тупроққа чуқурроқ қилиб кўмиш керак. Анор ёзнинг иссиғида яхши ўсади шу блан бирга суғорилиб турулиши керак. Дун'ё анорчилик тажрибаси қуруқ, ярим чўл, яхши суғорилиши мумкин бўлган ерларда анор дарахтининг энг яхши нав'ларини ўстириш мумкинлигини кўрсатади. Шундай жойлар ҳисобиға Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар Озарбойжон, Эрон, Афғонистон ва шунга ўхшаган бошқа мамлакатлар киради. Айниқса анор меваси етилиш даврида намгарчилик тез-тез бўлиб турадиган, ҳавоси паст жойлар анор ўсимлигини ўстириш учун ноқулайроқ ерлардан ҳисобланади. Бундай ерларға ғарбий Кавказ (Грузия) Флорида, Гавай, Ҳиндистоннинг жанубий қирғоғи ва умуман денгиз бўйидаги, сернам ўлкалар киради. Бу ерларда ҳам анор дарахтлари яхши ўсиб яхши унум беради, лекин бу ҳосилларни узоқ сақлаш ва узоққа жўнатиш бўлмайдн.

Ўзбекистоннинг оби-ҳаво шароитлари анор дарахтини кўпайтириш учун жуда қулай. Ўзбекистонда узоқ вегетация даври, ёзда намгарчиликнинг кам бўлиши, ҳавонинг қуруқ ва иссиқ бўлиши, суғориш ишини яхши уюштирилиши—анор етиштириш соҳасида дун'ё миқёсида энг яхши ва қулай ерлардан ҳисобланади.

Буни Ўзбекистоннинг ба'зибир пунктларини дун'ёдаги дарахт етиштириш иши блан шуғулланучи айрим районларнинг оби-ҳаво шароитлари кўргазмаси блан чағиштириб исботлаш мумкин.

ЎзССРда анорларнинг вегетация даври деярли узун бўлади. Ёз мавсуми жуда иссиқ бўлиб, бу дун'ёдаги

ба'зи бир анор экиладиган ва етиштирадиган райснлардаги (Эрон, Испания, Калифорния) иссиқликдан ҳам юқори туради.

Анор ёввойи ҳолда қояларда, кўп вақт тупроқсиз тошларнинг устида ҳам ўсаверади. Ҳавоси паст келган тез-тез намгарчиликлар бўлиб турган шаронитларда ҳам анор майда ва нордон та'мли мева беради. Шундай қилиб анор қурғоқчиликка кўниккан дарахтлардан ҳисобланиб, узоқ вақт ичида ташналикка бардош бериш қobiliятига эгадир.

Лекин ерда нам сақламайдиган, ўртача зичликдаги экин битадиган бўз тупроқда анор жуда яхши ўсади. Кучли, экин яхши битадиган ерларда ўсган анор дарахтларидан мўл мева ҳосили олиш мумкин.

Ўзбекистонда тошлоққа яқин бўлган биронта ҳам анорзор йўқ. Бундай тупроқлар ўзида сувни сақлаб қолиш хусусиятига эга бўлмаганликлари сабабли, анор тайёрлаш аҳамиятига эга бўлган анорзорлар учун қулай ҳисобланмайдилар.

Анор ер ости сувлари ниҳоят чуқурликда бўлган тупроқларда яхши ўсади. Наманган районида анорзорлар асосан районнинг шимолӣ қисмига жойлаштирилган, бу ерларнинг ер ости суви анча чуқурликда бўлади, районнинг жанубғарбида эса ер ости сувлари анча саёз, бир метр чуқурликда бўлиб, ботқоқлик аломатлари бўлгани учун анорзорлар бутунлай йўқ деса бўлади.

Қашқадар'ё водисиди Китоб райони яқинидаги Варганзи ва шатри қишлоқларида ер ости суви анча чуқур бўлгани сабабли, юқори ҳосил берадиган анорзорлар Бухоро, Хива районларида анор яхши ўсиб, яхши ҳосил беради. Бу районнинг ба'зи ерларидаги тупроқлари жуда тез шўраланиб турганликлари учун, анор ўтказиш учун эскидан ишланиб келинаётган, қишда яхши ювиладиган ерларни ажратилади.

Анордан юқори сифатли ва сер унумли фақатгина суғорилиши осон бўлган ерлардан олиш мумкин. Июль—сентябрь ойларида сувнинг тақчиллиги ўсимликининг маҳсулотига ва меванинг хилига ёмон та'сир қилади. Натижада мева сувга тўймайди ва ёрилиб кетишига сабаб бўлади.

Ўзбекистонда анорга зарар келтиручи ҳашаротлардан шира ва огневка, касалликлардан эса — мевага кул тушиб, ириб кетиш хусусиятлари маълумдир.

Шир заракунандаси — дарахтнинг ёш қисмига барги, куртаклари, ёш навдалари ва меваларига тушиб, уларни ҳалок қилади. У баҳорда, апрель ойида пайдо бўлиб, то кузгача сақланиб қолиши мумкин. Шира қуртг блан зарарланган ёш тугунча кўп вақт тушиб кетади; меванинг зарарланган жойи тўқ жигарранг тус олиб қотиб қолади.

Шира қуртидан совун эритмасида анабазин сульфатини қўшиб сепиш йўли блан қутилиш мумкин.

Огневка қурти — фақат Китоб районида (Шатри қишлоғида) гана учратилган. У мевани зарарлайди, зарарланган мева ириб кетади.

Кул касали — бу касал анор сақланадиган омборларда заха еган, ёки ёрилган анорларни сақлашдан ҳосил бўлади. Кул касали блан зарарлантирилмаслик учун мева омборида фақатгина яхши, ихтиёт блан терилган анорларни сақлаш зарур.

Анорнинг бошқа заракунандаларидан бири қилиб паррандаларни ҳисоблаш мумкин. Улар ёрилган анорларнинг донини чўқиб кетадилар, сичқонлар эса, ерга эгилган шохлардаги меваларни захарлайдилар.

Офтобнинг таъсирида меваларнинг зарарланишини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Очiq қолган меваларни офтоб сўхта қилиб қўяди. Бу меванинг пўстида жигарга ўхшаган рангидан дарров аниқлаш мумкин. Офтоб урган анорлар узоқ сақланмайди, қуйган жойининг дони етишмайди ва тўла ранг олмайди.

Ўзбекистонда экиладиган анорларнинг нав' таркиби

Қадимдан Ўзбекистонда анор экилиб келади. Биринчи кўчатни ёки уруғни қўшни давлатлардан келтирилган деб ҳисоблайдилар. Меҳнатсевар ўзбек деҳқонларининг кўп асрлардан бери анор экишлари натижасида анорларнинг бу кунги, маҳаллий шароитга ниҳоят қулайланган нав'лари етиштирилган. Ўзбекистоннинг анорзорларида турли қимматбаҳо нав'лари тўпланган. Брок анорнинг нав'ларини ажратиш ҳали тамом қилинми йўқ. Я'ни қимматли нав'ларни яна топиш мумкин.

Нав'нинг кўпчилиги асосан алоҳида районлардагина ўсади ва бошқа районларда улар учрамайди. Анорнинг ба'зи нав'лари кенг тарқалган бўлиб, уларга ҳархил ном берилган. Масалан, қатор морфологик, ҳўжалик белгилари блан Сариосиё районининг қозоқи нав'идаги анорларига Бухорода кавадона ёки Гули-газ номи берилган. Қува, Наманган, Бухоро, Шаҳрисабз (Китоб) Дашнабод ва бошқа районларининг нав'лари бир-биридан фарқ қилади. Маълум нав'ларининг сони қирққа етади. Булардан тавсия қилинадиган стандарт нав'лари фақат бештадир.

Ўзбекистондаги анор нав' таркиби юқори даражадаги кўрсаткичлар блан та'рифланади. Кўп нав'ларнинг мевалари келаси йилнинг баҳоригача бузилмасдан сақланади. Узоқ масофага юборилганда урунмайди. Анорнинг нав'лари асосан меванинг белгилари: катталиги, пўчоғининг ранги, пўчоғининг ва пардаларининг юпқақалинлиги, уруғининг хусусияти, донларининг ва ширали сувларининг ранги, та'ми блан ажралади. Меванинг ўртача оғирлиги 200—400 грамм, ба'зи вақтларда 1000 грамм ва ундан ҳам ошиқ бўлади, ширин нав'лари, нордон нав'ларга нисбатан йирикроқ бўлади. Пўчоғи сариқ, кўк, пушти, ва ҳархил нозик қўшимча ранглар блан ажралиб туради. Кўп нав'лар рангининг очиқлиги блан бошқа нав'лардан фарқ қилади ва ёқимли бўлади. Бу нав'лар рангининг гўзаллигидан дунёдаги барча нав' анорлар блан мусобақалашishi мумкин. Шираси оч пушти рангдан тўқ қизил рангда (тўқ қизил блан қоранинг аралашган рангларига ўхшайди) бўлади.

Ба'зибир нав'ларнинг донаси (масалан Бедана) уруғи блан ёйилиб кетади, чунки муртак ўрнида фақат парда бўлади.

Ўзбекистон анорларида 8% дан 20%гача шакар, киши ҳаёти учун энг фойдали бўлган глюкоза ва фруктозлар (78,9—100%), кислота 0,9—4,5% бўлади.

Ўзбекистоннинг анорлари та'м жиҳатидан чучук, нордон (қимизак), аччиқ (туриш) нав'ларга бўлинади. Ширали сув бериши 47,5% дан то 67,9% ва ундан ҳам юқори бўлади.

Ўзбекистонда кўпайтириш учун тавсия қилинадиган анор нав'лари

Ўзбекистонда анорни кўпайтириш учун қуйидаги стандартлаштирилган: оқ-дона, кой аччиқ, қизил анор,

аччиқ дона ва қозоқи (кўк) нав'лари тавсия қилинади.

Республиканинг алоҳида область район ва зоналарида қуйидаги нав'ларини экиш тавсия қилинади:

Анор нав'ларининг қисқача тасвири

1. **Қозоқи анор** (кўк анор, кава дона) — Ўзбекистон саноатида ишлатиладиган нав'ларнинг энг яхшиларидан бири, республиканинг жануб областьларидан Сурхондар'ё, Бухоро областьларида кенг тарқалган. Мевалари ўртача катталиқда бўлиб, оғирлиги 250—300 грамм, яхши агротехника қўлланганда эса 2 килограммгача еткази

Ж а д в а л 1

Область ва зоналар	Нав'лар (процент ҳисобида)				
	Оқ вона	қой ач- чиқ анор	қизил анор	аччиқ дона	қозоқи кўк
Тошкент области	10	10	20	20	40
Фарғона области					
Қўқон зонаси	10	10	—	60	20
Фарғона зонаси	10	20	10	50	10
Андижон области	10	20	10	60	—
Наманган области	10	20	10	60	—
Самарқанд области					
Жиззах ва Каттақўрғон зона- лари	—	—	10	40	50
Самарқанд зонаси	10	—	10	30	50
Бухоро области	10	—	10	—	80
Қашқадар'ё области	10	—	20	—	70
Сурхондар'ё области					
Термиз зонаси	10	—	—	—	90
Денов зонаси	—	—	20	—	80
Хоразм области ва Қ. Қ. АССР	10	10	20	20	40

зиб мева бериши мумкин. Меванинг шакли худди шарга ўхшаган думолоқ, дум ва уч томони салгина, сиқилган, кўк, сариқ рангда, усти малина рангида нуқталар билан қопланган бўлади. Ба'зан куннинг қизиғида қораяди. Донлари ўртача қимизак та'мида бўлади. Ширали суви 65% ташкил қилади, ширасининг составида 14—15% алоҳида меваларида 20% шакар, 1,5—1,6% кислота моддаси бор. Меваси октябрь ойида пишади. Ўзилгандан сўнг 6—7 ой бузилмасдан сақланади ва узоқларга жўнатилса бўлади. Сер унум, ҳарбир тупдан жануб районларда 40 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Бу Ўзбекистоннинг шимолӣ районларида камроқ ҳосил беради.

2. **Аччиқ дона** (қизил аччиқ дона) — йирик мевали, са-
ноатда ишлатиладиган нав' бўлиб, асосан Фарғона облас-
тининг Қува районида кўп тарқалган. Меваси йирик,
думалоқ билинар-билинимас қобирғали.

Меванинг ўртача оғирлиғи 450—500 гр., алоҳида меваларнинг оғирлиғи 1.500 граммгача етади. Пўчоғининг ранги сидирға малина рангида бўлади, очикда қолганларининг ранги куннинг шу'ласида қармен рангига айланади. Соя жойларда эса қуюқ ҳоллар пайдо бўлади. Пўчоғи қалин, пўкак бўлиб, унча мустаҳкам эмас. Шунинг учун ҳам бу нав' анорнинг мевасини узиш ва жойлаш вақти-
да жуда эҳтиёт бўлиш керак. Донлари йирик, то 10 мм гача етади. Ширасининг ранги тўқ қизил, қимизак, ёқимли, кўнгил очар мазали, ҳарқайси анор донаси 51,4% ширали сув, 15—18% шакар 2,91% кислота моддаси беради. Меваси октябрь ойида етилади, узилган мева февраль ойигача сақланса бўлади, узоқ йўлга ун-
чалик чидамли эмас. Юқори ҳосил беради. Бир туп анор дарахтидан мавсумда 20—25 ба'зи пайтларда 60—80 килограммгача етказиб ҳосил узилса бўлади.

3. **Оқ дона**—тез пишар ширин нав'ли анор. Бу асо-
сан Фарғона водисида ўсади. Донлари йирик, Туятиш ва майда донли икки формаси учратилади. Булар бир-бир-
ларидан ўз донларининг шакли билан ажралиб туради-
лар. Меваси ўртача ва йирик, шарга ўхшаш думалоқ, оч сариқ, кунга қараган томони пушти рангли бўлади. Ўртача оғирлиғи 350—400 грамм, алоҳида меваларнинг оғирлиғи 1 500 граммгача ҳам етади. Пўчоқлари одатда юпқа, ба'зан ўртача қалинликда, донлари ўртача йирик-
ликда, туятиш хиллари эса 13 мм бўлади. Ширасининг

ранги пушти ёки оч пушти, нозик ширин мазали бўлади. 50—65% алоҳида нусхаларда 70% ширали сув беради. ширасида 12—15% шакар, 0,5—0,6% кислота моддаси бор. Мевалари сентябрь ойи охирида етилади. Сер унум. Меваси жуда нозик, сал заха теккани дарров чирийди. Омборда фақат 2—3 ой сақлаш мумкин. Жуда яхшилаб жойланган ва эҳтиёт қилинган ҳолда узоққа юборилса бўлади. Ўзбекистоннинг кўпчилиқ районларида ошхона десертли нав'и сифатида, анорзорларнинг бошқа нав'даларининг 10% ташкил қилиш шарти билан шу нав'и экинч тавсия қилинади.

4. **Қизил анор**—қимизак ошхона нав'ларидан бўлиб, Сурхондарё областининг Сарйосиё районида учратилади. Меваси майда ва ундан йирикроқ, шарга ўхшаган думалоқ, бироз нокка ҳам ўхшаб кетади, очик малина рангда, оғирлиги 150—400 граммгача бўлади. Доналарининг миқдори ўртача, шираси тўқ қизил малина рангли оттенкаси билан, нордон-чучук мазали бўлади. 45—55% ширали сув беради, унда 14—15% шакар ва 2,0—2,5% кислота моддаси бор. Мевалари сентябрийнинг охирида ва октябрь ойининг бошида етилади. Омборда 2—3 ойдан ортиқ сақлаб бўлмайди. Унча олис бўлмаган масофага жўнатиш мумкин. Юқори ҳосилдор, янги узилган вақтида ишлатиш ва ширасини олишни тавсия қилинади.

5. **Кой аччиқ анор**—Фарғона областида бўлади. Морфологик белгилари билан қозоқи нав'ига ўхшаброқ кетади. Меваси думалоқ, ўрта ҳисоб билан 200—300 грамм оғирликда бўлади. Сирти қозоқи нав'га нисбатан сер ҳосил бўлади. Донларнинг миқдори ўртача, шираси тўқ қизил, қимизак мазали бўлади, 55% ширали сув, 12—13% шакар, 2,2—2,5% кислота моддаси беради. Меваси октябрийнинг иккинчи ярмида пишди. Бу нав'ли анор ўзининг юқори ҳосилдорлиги, узоқ вақт сақланиши ва олис йўлларга чидамлиги билан бошқалардан фарқ қилади.

Бу Ўзбекистоннинг стандарт ассортиментига қўшилган 5 нав'дан ташқари алоҳида районларда тарқалган кўпгина нав'лар ҳам бор, қуйида шулардан энг яхшилари-нинг таърифини келтирамиз.

ҚИТОБ РАЙОНИ

1. **Ульфи**—Қитоб районининг асосий нав'и, анорзорларнинг 75—80%ини эгаллайди. Меваси йирик, шарга



ўхшаш, ўртача оғирлиғи 350—400 грамм, ранги асосан сариқ бўлиб, устидан оч малина ранги тортилганга ўхшайди. Мева пўстлогининг қалинлиғи 1—2 мм, пишиқ. Донлари ўртача йирикликда. Шираси оч пушти, ёқимли ширин, нордон мазаси бор. 58—60% ширали сув, 14—15% шакар, 0,5—0,6% кислота моддаси беради. Меваси сентябрьнинг охирида, октябрьнинг бошида етилади. Пишиш муддати анча узоқ. Омбарда март ойигача сақланади, узоқ йўлларга чидамли, сер ҳосил.

2. **Бедона** — меваси шарга ўхшаган думалоқ, учи ва дум томонлари биров сиқилган. Асосан сариқ рангли бўлиб устидан оч малина ранги текис ёки тарам-тарам тортилган бўлади, юпқа терили, нозик. Донлари йирик. Ширасининг ранги очпушти, таъми ширин. Бу навънинг уруғи майда, ингичка, баъзан муртаксиз бўлади. Унинг составида 65—66% ширасуви, 13—14% шакар, 0,4—0,6% кислота моддаси бор, у сентябрьнинг охирида етилади, меваси жуда нозик, биров захаланса тез чирийдиган бўлади. Ҳосилини умуман 3 ойгача сақлаш мумкин.

БУХОРО РАЙОНИ

1. **Қой қизил** — синоними-Қой, Қизил бош навъи — Бухоро районидаги ҳамма анорзорларда экилади. Меваси йирик, 400—500 грамм оғирликда, шарга ўхшаган думалоқ кўп вақт дум ва уч томони чўзуқроқ бўлади. Териси пўк, 3 мм қалинликда, асосан ранги оч сариқ бўлиб, устидан малина ранг аралаш гунафша ранг тортилганга ўхшайди, билинар-билинемас ҳоллари бўлади. Терисининг ранги ичига ҳам ўтган бўлади. Донни йирик. Ширасининг ранги пушти, таъми қимизак жуда ҳам ёқимли, кўнгил очар бўлади. 55—66% ширали сув 13—12% шакар, 1,8—1,9% кислота моддаси бор. Меваси сентябрь ойининг охирида етилади. Омборда 5 ойгача сақлаш мумкин. Йўлга чидамсиз, тез бузилади.

2. **Кава дона** — синоним Гули-газ. Бу навъ Бухора районининг колохозларида кам учрайди. Кўп морфологик белгилари блан қозоқи навъга ўхшаб кетади.

Меваси 200—300 грамм оғирликда, ўзи думалоқ бўлади. Донлари ўртача йирикликда шираси тўқ қизил, ёқимли, қимизак мазали бўлади. 55—66% ширали сув беради, унда 14—15% шакар, 1,2—1,3% кислота моддаси бор. Меваси сентябрьнинг охирида ва октябрьнинг

биринчи ярмида етилади, омборда март ойигача сақлаш мумкин, йўлга чидамли. Ўртача ҳосил беради.

3. **Қизил пўчоқ** — синоним Сурх пўчоқ-меваси майда бўлади, оғирлиги 170 грамм. Шарга ўхшаш, учи ва думи бироз сиқик, лавлаги ранги аралашган тўққизил жигаррангга ўхшаб кетади. Пўстлоғи нафис мўрт. Донлари ўртача йирикликда, шираси тўққизил, хушбой, қимизак мазага эга. 57—60% ширали сув беради. Унинг составида 13—14% шакар, 2—2,2% кислота моддаси бор. Сентябрьнинг охирида етилади. Меваси нозик, йўлга яхши жойлаб, эҳтиёт блан жўнатишса бўлади. Омборда 3—4 ойдан ортиқ сақлаш мумкин эмас.

4. **Ширин** — меваси ўртача йирикликда, 250—300 грамм оғирликда. Ранги очуштидан тўққизил-жигаррангга ўхшаган, қобирғага ўхшаган йўли ва доғи бўлади. Дони йирик, тиниқ қизил рангда суви ширин, бироз нордон таъми бўлади. 60—61% ширали сув беради. Унда 13—14% шакар, 0,80,9—0% кислота моддаси бор. Сентябрьнинг иккинчи яримларида етилади. Меваси нозик 2—3 ойгача сақлаш мумкин, бошқа шаҳарларга жўнатишса бўлади.

Бутун Иттифоқ қуруқ субтропик мевачилик институти Хоразм области ва Қорақалпоқ АССР учун яна икки; Қирмизикабух Вандерфул нав'ини тавсия қилади.

1. **Қирмизи-кабух** — Озарбайжон анорларининг энг яхши нав'ларидан бири ҳисобланади. Меваси йирик, думалоқ, оғирлиги 700 грамм, малина рангига ўхшаган бўлади. Пўстлоғи ва пардаси юпқа, нозик. Дони йирик, шираси олча суви рангига ўхшаган, таъми ширин-қимизак, серсув, составида 12,12% шакар, 2,1% кислота бўлади. Сентябрьнинг охирида етилади, серҳосил, лекин узилгандан кейин узоқ сақлаб бўлмайди.

2. **Вандерфул** — меваси унчалик йирик эмас, оғирлиги 200—300 грамм; шарга ўхшаш, қизил пурпур ялтироқ рангда, пўстлоғи ва пардалари юпқа. Донлар ўртача йирикликда, шираси тўқ малина рангига ўхшайди. Қимизак, 70—75% ширали сув беради. Составида 14—15% шакар, 1,5—1,8% кислота моддаси бор. Сентябрьнинг охирида пишади. Сер ҳосил, лекин узоқ сақланмайди.

А Н Ж И Р

Анжир, ботаник номи — фикус Карика, тут дарахти қабилисига киради ва яқин қариндоши ҳисобланади.

Кичик Осиё—анжирнинг ватани, бу ерда анжир ёввойи ҳолда ўсади. Совет давлатида анжир ёввойи ҳолда Закавказьеда, Ўрта Осиёда—Тожикистонда Панж дарёсининг тоғ ораларида, Ўзбекистонда Хиссар тоғининг қирраларида, Туркистонда Копёт—доғ тоғларида учрайди.

Анжир дунёнинг кўп мамлакатларида—Жанубий Оврупада, Шимолий Африкада, Кичик Осиёда, Эронда, Шимолий Америка Қўшма Штатларида ҳам экилади. Анжирнинг қуритилганда энг яхши маҳсулот берадиган нав'лари Туркиянинг ғарби-жанубидаги Смирни шаҳри атрофида экилади. Энг кўп қуритилган анжир Италия, Испания, Алжирда, Португалияда ва Туркияда ишлаб чиқарилади.

СССРда анжир Қиримнинг жанубий қирғоғида; Закавказьеда—Қораденгиз соҳилларида ва Ўрта Осиё республикаларида ўсади.

РЕСПУБЛИКАДА АНЖИРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ЭКИЛИШ САТХИ

Ўрта Осиёда анор каби Ўзбекистонда, анжир асосан Фарғона водисига кўп тарқалган. У ерда республиканинг 75% анжирзорлари тўпланган. Энг катта анжирзорлар Фарғона областининг Молотов районида, Андижон областининг Андижон, Избоскан ва Балиқчи районларида, Наманган районида, Самарканд ва Бухоро тева-рагида ўстирилган. Анжирзорларни бир оз Тошкент, Хоразм области ва Қорақалпоғистон автоном республикасида ҳам учратиш мумкин.

Ватан уруши йиллари олдида республиканинг бир-қанча колхозларида анжир кўчатлари кўп ўтқазилар эди, ҳозирги вақтда ҳам янгитдан анжир кўчатлари ўтказилган ерлар, анжирзорлар бирмунча кўпайтирилмоқда.

Анжирдан фойдаланиш

Ҳўл ва қуритилган анжир мевасини аҳоли кўп талаб қилади. Қуритилган анжир озиқ-овқат саноатида кенг истеъмол қилинади. Анжир қоқисиди шакар ва оқсил моддалари кўп миқдорда бўлиб у, болалар ва беморлар учун қимматлик пархаз (диет) таомлари қаторига кў-

шилади. Смирна анжирининг таркибида: сув—17,50%, оқсил—6,00%, шакар—57,50%, крахмал—3,00%, пентозин ва пектина—5,40%, мой—0,90%, ҳўжайрачалар—7,30%, кул—2,30% бўлади. 1948 йилда мевачилик институти-нинг Тошкент ёнидаги экспериментал участкасида тай-ёрланган анжир мевасининг анализ натижалари жуда қизиқтирарлидир.

Қуритилган анжир тўқ тутиш ва колориялиги жиҳа-тидан дунё бозорида кўп талаб қўзғатди. СССР да қу-ритилган анжирга бўлган талабнинг бир қисмини дав-латимизнинг жануб районларида етишган анжир ҳосили қоплайди.

Қуруқ субтропик институтининг ҳисобига кўра СССР да 3000 тоннадан ортиқроқ қуритилган анжирга талаб бор. Бундан 150 тоннасини Ўзбекистон беради. Маҳал-

Жадвал 2

Навлари	Хўл меваси			Қуритилган мевалар	
	сув проц. ҳс.	шакар проц. ҳс.	кислота проц. ҳс.	шакар проц. ҳс.	кислота проценти
Неаполитин анжири	80	16,15	0,19	80,75	0,95
Ўзбекистон сариқ анж.	80	14,0	0,12	70,0	0,6
Алшерон	80	15,05	0,18	75,25	0,9
Чапла қрим	77	17,2	0,21	74,79	0,9
Кадота	76	17,1	0,18	70,13	0,73
Смириский қора	76	15,9	0,21	66,25	0,88
Буржазот	76	15,5	0,21	64,58	0,9
Чапла	76	15,1	0,14	62,1	0,58
Сухум йирик нав'и	74	17,0	0,14	65,4	0,52
Грос гри Биффера	70	16,45	0,16	54,83	0,53
Муасоньер	70	15,0	0,2	50,0	0,61

лий талабни қондириш ва четга маҳсулат чиқариш учун, Ўзбекистонда анжир экишни кўпайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Агробиология та'рифи

Анжир дарахти — Ўзбекистонда ҳар йили қиш мавсумида тупроққа кўмилиши сабабли ерга энгашган бўлиб, туши эса тагидан кўп шохлаб, учи (крона) тарқалиб ёйилган бўлади. Шохларнинг узунлиги 6—7 метрга етади ва ҳарбир шохда сутга ўхшаган оқ лекин ачиқ шираси бор. Одатда анжир бир пояли ёки бирнеча пояли қилиб ўстирилади (расм 3). Ўзбекистонда 60—70 ёшли анжир дарахтлари учратилади.

Шоҳи — йўғон, тўқ, кулранг, ёш навдаси одатда йўғон, этли, вегетатив даври бошида кўк рангда бўлади. Езининг иккинчи ярмида жигар ранга ва келгуси йили бўз рангга айланади. Куртаги катта тиниқ кўк рангли бўлади.


Барги — йирик, шапалок, узун бандли 3—7 парракли, пишиқ осилган, кўриниши тўқ кўк, остида тиниқ кўк бўлиб бир яшар шохларда ҳар бўғунида биттадан чиқади.

Гули — майда, бир баргли, бир уйли ба'зан икки уйли, гулдонига жойланган, шу жойдан ўсиб бориб анжир мевасини тугади.

Меваси — нав'ига қараб ҳархил йирикликда, шаклда ва рангда бўлади: кўрнишида текис, думалоқ ва ба'зан нокка ўхшаган бўлиб — кўксариқ, гунафша, қуюқ йўл-йўл қизилдолчин рангда; 30 дан 130 граммгача оғирликда бўлади. Ўзбекистонда энг кўп тарқалган нав'и —

Ўзбекистоннинг сариқ анжири, меванинг ранги ҳам сариқ 65 грамм оғирликда бўлади. Анжирнинг илдизи кучли, кўп тармоқли, илдизи саёз бўлади.

Анжирнинг кўпайтирилиши. Одатда анжирнинг пишиган навдасидан қаламча олиб кўпайтирилади, илдизидан чиққан навдалардан камдан-кам тарқатилади. Уруғдан кўпайтириш иши асосан селекция ишида қўлланади.



Расм 3
Анжир кўчати

Ҳосил бериши. Анжир бир яшарли наваларда ҳосил бера бошлайди, ҳосилдор куртаклари ўсиб турган навланинг ўсишига қараб мева туга беради. Ба'зи мамлакатларда анжир қишқи мавсумда ерга кўмишга одатлантирилмаган; бундай анжирлар йил бўйи ҳосил беради ва бирнеча марта ҳосил йиғилади.

Анжирлар гуллаш ва ҳосил бериш характери блан бирнеча группага бўлинади.

1-группа — оддий анжир. Бу группадаги анжирларда фақатгина оналик гули бўлади, чангланмасдан ва уруғлантирилмасдан ширин мева тугади. Бу группага Ўзбекистонда кенг тарқалган сариқ ва қора нав'лардаги анжирлари киради.

2-группа — смирна анжири. Бу группа анжирларга 4-нчи группадаги нав'ларнинг гулидан чангланган ҳолда мева беради.

3-группа — икки группа орасидаги нав'лар — ба'зи мевалар бошқа нав'даги анжирлар гулидан чангитилганда ҳосил беради, ба'зилари чангланмасдан ҳам ҳосил бераверади.

4-группа — каприфига — бу нав' анжир ўзида оналик ва оталик гуллари борлиги блан характерланади. Смирна нав'даги анжирларнинг чанглатучиси хисобланади. Қиш мавсумида кўмиладиган районларда, чанглатиш зарур бўлган анжирлар тарқалган ерларда, бластофага номли ҳашаротлар орқали чангланади. Табiiй шароитда бизда бластофага яшайолмайди ва қишқи мавсумда ҳалок бўлади.

Ўзбекистонда анжирлар қишда тупроққа кўмилади. Фақатгина бластофага чанглантирмайдиган нав'ларигина муваффақиятли ўсади. Анжир бир йилда икки марта ба ҳосил беради; биринчи ҳосил бериш даврида озгина мевалар етилади. Эрта етилган мева — анжирни йиллик мевасига нисбатан жуда кам миқдорни ташқил қилади. Асосий ҳосилни кечки, иккинчи пишиқчилик беради. Меванинг биринчи генерация (пишиш) даври июнь, иккинчи генерация даври августнинг иккинчи ярмида бўлади. Август ойининг охири, сентябрь ойларида анжир ёппасига етилади. Мевани йиғиб-териб олиш октябрь ойининг ўрталаригача ҳам чўзилади.

Мевани териб олиш даври нав'ига қараб, 35—60 кунга чўзилади. Мевани бирданига етилмаслигининг сабаби бир йиллик шохларда, шохнинг ўсишига қараб кет-

ма—кет гул очилади. Бир мавсумда шохнинг бошланишида етилган мевани, ва шу блан бир вақтда эндигина гулини тўккан мевани ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистонда анжир ўсимлигини кўпайтиришда, айниқса совуқ тез тушадиган шимолӣй ва тоғлик районлар учун кўчат тайёрлашда тез пишар нав'ларга аҳамият бериш керак. Тез пишар нав'лари етилиш ва ҳосилни териб олиш даврини узоқлантиради ва шу даврда энг кўп ҳосил олишга йўл қўяди. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, анжирнинг етилган меваси тезда пишиб ўтиб кетади ва бузилади. Мевани териш даври узоққа чўзилган вақтда терилган ҳосил исте'мол қилиниб, қолганларини бузултирмасдан саноатга ва жўнатиш керак бўлган ерларга тарқатиш керак.

Тошкентга яқин анжирларнинг ўсиши устидан текшириш, вегетация даврининг қуйидаги узунлиги ва ўсимликнинг ўсишдаги алоҳида фазаларни босиб ўтишини кўрсатади: вегетатив даврининг бошидан, то иккинчи генерациянинг биринчи меваси етилишигача 120 кун ўтган. Иккинчи генерациянинг ҳосилини йиғиш 38—55 кунга чўзилади. Вегетация даврининг узунлиги 180—190 кун.

Ҳосил. Анжир экилгандан 2—3 йил ўтгач ҳосилга киради; 7—8 ёшда овжи ҳосилга кирган даври ҳисобланади. Анжирнинг нав'ига қараб, бир тупдан 3—20 килограммгача, ёки гектаридан 13,5—90 центнерга ҳосил олиниши мумкин. Ўзбекистоннинг сариқ анжирини нав'даги анжирнинг вояга етган туплари то 30 килограммгача етказиб маҳсулот беради. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бутун Иттифоқ қуруқ субтропик институтининг Наманган районида ўтказган тажрибаси анжир дарахтининг остига минерал ўғит берилганда бир тупдан 28,5—41,5 кг. гача етказиб ҳосил олингани аниқланган. Анжир дарахтини яхши парвариш қилинганда улардан яхши ва юқори ҳосил олиш мумкин.

Анжир ўсимлигининг тупроқ, оби-ҳаво шароитлари

Анжир ҳам анор сингари жанубий ўсимликлар группасидан бўлиб, ўсиш соҳасида у блан бир хилдаги талабларга эга. Анжир қурғоқчиликка чидамли ва иссиқни севучи, аммо совуқнинг 10—12° С даражасига ҳам чидайолмайдиган ўсимликдир. У ёввойи ҳолда ҳар-

хил тошлоқ, оҳакли, соғтупроқ ва қумлоқ тупроқларда муваффақиятли ўса олади. Апшерон анжирини кўчиб юручи қумларни тусиб қолиш учун ҳам ўтқазилади. Аммо Ўзбекистонда ишланган ерларда экилан анжирлардан яхши унум олиш мумкин. Анжир ҳам анорга ўхшаб, қумлоқ, шўр, балчиқдан иборат ер қатламига чидам беролмайди. Анжир яхши суғориладиган, бўз тупроқда яхши авж олади ва ўсади. Ўзбекистонда анжир қиш мавсумида ерга кўмилади, ва бу блан унинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Анжир дарахтининг касали, зараркундалари ва улар блан кураш усуллари

Анжир огневкаси — Ўзбекистонда энг машҳур бўлган анжир заракунандасидир. У, барг ва мевага тушиб жуда катта зарар етказди. Бир ёзда уч насл туғилиб, айниқса кейинги икки авлоди алоҳида зарар келтиручи бўлади.

Кураш йўли. Маргимуш блан оҳак эритмасини (бир литр сувга 3 гр. маргимуш ва 3—6 гр. оҳак ҳисобида тайёрланган эритма) сепиш йўли блан кураш олиб борилади. Бу эритма бир ёзда 4 мартаба сепилади. Биринчиси апрель ойининг охирида, иккинчиси — май ойининг ўртасида, учинчиси эса — июнь ойида ва тўртинчиси — август ойида сепилади. Ҳар сафар орада 3—5 кун ўтказиб иккинчи марта ҳам сепилиши керак. Ҳосилни йиғишдан 20 кун илгари эритма сепишни тўхтатиш лозим.

Ўзбекистонда кўпайтириш учун тавсия қилинадиган анжир нав'лари

Ўзбекистонда кенг тарқалган анжирларнинг нав'и жуда чегараланган. Ҳамма ерда текис мевали сариқ анжир экилади. Республиканинг жануб районларида — Бухоро, Қашқадар'ё областъларида ва Қаршида қора ва қуюқ гунафша рангли нокка ўхшаган анжир экилади.

Деновдаги қуруқ субтропик тажриба станцияси, Р. Р. Шредер номли Тошкент ёнидаги резавор—мевачилик институти ва Самарқанддаги мевачилик селекция станцияси анжирнинг янги, юқори ҳосил берадиган,

қоқи солишга ярайдиган нав'ларни тайёрлаш устида катта иш олиб бормоқда. И. В. Мичурин ва Т. Д. Лисенколарнинг илғор совет агробиология фанлари асосида ўз ишларини олиб бориш билан бирга, бу илмий текшириш ташкилотлари ўзларидаги бор ва келтирилган нав'лардан ташқари дурагайлаштиришда Ўрта Осиёнинг ёвврий анжикларидан ҳам фойдаланмоқдалар. Бу қишга чидамли янги нав'ларни топишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда анжирнинг стандарт нав'игина киритилган. Бу нав'дан ташқари қуруқ субтропик институти: Оқ адриатикали, Далматика, Крымский 26, Крымский 29 (лоб анжир), Крымский 9, Кадота ва Чапла нав'ларини тавсия қилади.

Тавсия қилинадиган анжир нав'ларининг қисқача тасвири

1. Ўзбекистоннинг сариқ анжири—анжирнинг бу нав'и Ўзбекистоннинг ҳамма анжирзорлари жойланган районларида экилади. Фарғона ва Хоразм областларида йирикроқ мевали сариқ анжир кўп тарқалган.

Анжир дарахти ҳар йили ерга кўмилиши натижасида қадди ерга эгилиб ўсади, ёз мавсумида тирговуч қўйиб кўтарилмаса бўлмайди. 18 ёшида бўйи 6—7 метрга, дарахтнинг ердаги поясининг диаметри 20—25 см. етади; пўсти тиниқбўз рангда; шохларини кўриниши нокка ўхшайди. Бир тупидан 20—40 кг. ҳосил йиғилади; бир йилда икки марта ҳосил беради: биринчиси—1 дан 15 июльгача, иккинчиси 1 сентябрьдан 1 октябргача етилади; асосий ҳосилни иккинчи генерацияда олиш мумкин. Бу нав' анжир чанглатмаса ҳам мева беради, ўсиши учун яхши суғориладиган ерни талаб қилади.

Меваси—шохга ёпишган бўлиб, 30—35 гр. оғирликда бўлади; йирик мевали нав'ларда мева 50—65 гр. етади, ранги сариқ учи текис бўлиб, туби бироз чуққайган, билинар—билимас қобирғала. Мевани ушлаб туручи банди катта, териси қалин, дағал. Эти оқ, ичи (ўртаси) пушти ранг, серсув, нозик, ба'зи бир хил та'м билан ўртача ширинликда бўлади.

Қуритилган анжир кам толали, анчагина дағал та'мли бўлади. Анжирни қуритилганда 20—21% қоқи тушади. Хўл мевада 80% сув, 14 % шакар, 0,12% кислота; қуритилганда эса 70 % шакар, 0,6% кислота моддаси бўлади. Столовой нав'и кам қуритилади.

2. Ўзбекистоннинг қора анжири — Фарғона водисида, Хоразмда, Самарқанд областида камроқ учратилади. Бухоро области ва Қашқардар'ё областнинг Қарши районидаги анжирзорларнинг кўпчилигини шу нав'даги анжир туплари эгаллайди.

Бу нав'даги анжир 16—18 ёшида 5 метр баландликка ва диаметри 5—6 метрга етади. Шохи овал ёки шарта ўхшаш бўлади. Поянинг диаметри 18—20 см. пўсти сариқ анжирнинг пўстига қараганда тўқроқ бўлади. Дарахти кам парвариш талаб қилади, қурғоқчиликка чидамлидир. Сариқ анжирга нисбатан меваси майда, нокка ўхшаш, узун бандли, ўртача оғирлиги 23 грамм, териси тўқ гунафша рангида, банд томони тиниқроқ, дағал, анча мустаҳкам, қаттиқ ва калта толали бўлади. Эти оч сариқ, ўртача толали, ширин, қислотаси кам, ўртача та'мли бўлиб, қуритилганда 29—30% маҳсулот беради. Столовой нав'и ҳўллигича исте'мол қилинади.

3. Оқ адриатик. Мевалари 50—60 грамм, думалоқроқ, учи ясси, дум томони чўзиқроқ, кўксариқ, нимжон қобирғали, қисқа, мустаҳкам толали бўлади. Эти қуюқ-кашармен рангида, бироз кавак, серсув, ширин. Қоқисининг та'ми ёқимли, қуритилганда 35 % маҳсулот беради. Составида 87% шакар бўлади, сер унум, меваси дарахтда ёрилиб ва приб кетмайди, яхши қоқи тушади. Чангланмасдан мева беради. Бу нав'нинг қиммати уни ҳўллигича ишлатиш ва қуритиш осонлигидадир.

4. Далматика. Мевалари йирик, 120—130 грамм оғирлигида чўзинчоқ нокка ўхшаган ассеметрик, тиниқ-кўк, тўла етилганда сариқжигарранг, тиниқпўштига ўхшаган кўзчалари блан бироз букукроқ бўлади. Гўшти кавак, тўқжигарранг, серсув, ўртача ширинликда. Яхши ҳосил беради. Чангитилмаса ҳам мева туга беради. Бу нав'даги анжирдан ҳўллигича фойдаланиш ва қуритиш мумкин.

5. Крымский — 26. Меваси йирик эмас, 25—40 г оғирликда, нокка ўхшаган, нимжон қобирғали, учи думалоқ, думи чўзиқроқ, устидан зангори аралаш кўксариқ ранг тортилган бўлади. Териси нафис, эти қўзил, жуда нозик, та'ми ширин, меваси дарахтининг устида яхши сўлийди. Юқори ҳосилли, бир яшарли навдада чангланмасдан ҳам ҳосил беради. Бу нав'даги анжирни асосан қуритиш учун тавсия қилинади.

6. Крымский—29. (Лоб анжир)— меваси унча йирик эмас, 25—40 грамм, оғирликда нокка ўхшаган, тиниқ сариқ, бироз букилган бўлади. Эти қизил, кавакроқ, нозик, та'ми ширин, дарахтда сўлийдиган бўлади. Чангитилмасдан мева беради. Қуритиш учун яхши нав' ҳисобланади.

7. Крымский — 9 (41) меваси майда, 25 — 30 грамм оғирликда, нокка ўхшаганроқ, ўткур қобирғали, бироз энгишган, тиниқ сариқ, уч томони апельсин рангида (қизғич тўқсариқ) дум томони тиниқкўк бўлади. Эти кармен рангда, бироз кавак серсув, ширин бўлади ва дарахтда яхши сўлийди. Гули чангитилмасдан ҳосил беради, сер унум. Бу нав' қуритиш учун тавсия қилинади.

8. Кадота. Меваси йирик эмас, 30—40 грамм оғирликда бўлиб тўғри ўсади, думалоқ нокка ўхшайди, қобирғали, тилларанг, қобирғаси қораранг бўлади. Эти каваксиз, очиқ крем рангида, дарахтда яхши сўлийди. Ҳўллигида 76% сув, 17,1% шакар, 0,18% кислота моддаси бўлади. Қуритилганда 70,13% шакар, 0,18% кислота бўлади. Гули чангланмасдан мева беради, юқори ҳосилдор. Асосан консерва тайёрлаш учун ишлатилади.

9. Чапла. Меваси 60 грамм оғирликда, нокка ўхшаш думалоқ, бироз қийшайган, билинар-билинемас қобирғали, қизил жигарранг, дум томони йўл-йўл. Эти бироз кавак, қизилпушти рангли, нозик, ширин бўлади. Ҳўл мевалигида 76% сув, 15,1% шакар, 0,14% кислота; қуриганда 62,1% шакар, 0,6% кислота моддаси бўлади. Гули чанглатилмасдан ҳосил беради. Уртача ҳосилдор. Консерва тайёрлаш ва қуритиш учун тавсия қилинади.

Ўзбекистонда анор ва анжир экишда қисқа агротехника кўргазмалар

Экиладиган кўчатларни таёрлаш ва сақлаш. Ишлабчиқариш шаронтида анор ва анжирлар қаламчалардан кўпайтирилади. Қаламчалар синалган оналик тупларидан, экиладиган районлар учун тавсия қилинадиган нав'лардан кесилади. Қаламча кузда, ерга кўмиш-

дан олдин ёки баҳорда экишдан олдин кесилади. Қаламча 1—2 яшар навалардан, уларнинг ёнидан чиққан шохларидан олинади, анорни эса тиконалардан ҳам тозаланади. Навданинг учидан ёгочга айланмаган ва қотмаган жойидан кесилади. Кесилган наваларни 50—100 тасини бир қилиб боғланади ва навнинг номи наводанинг сони, тайёрланган куни ва тайёрлаган шахснинг номи ёзилиб илиб қўйилади. Тайёрланган қаламчалар баҳоргача траншеяларда (ҳандоқда) сақланади. Траншеяга кўмилгунча қуриб қолмаслиги учун тайёрланган қаламчалар кўмиб қўйилиши керак.

Траншея учун ер ости суви чуқур (3 метрдан паст бўлган) ер ажратилади. Траншея қаламчани узунлиги ва қазиладиган ернинг чоғига қараб, чуқурлиги 1 метр, эни 1,5—2 метрликда қазилади.

Новда бойламлари ҳандоқда кўндаланг 2—3 қават қилиб, бойламлар устига бойламлар бостириб ётқизилади. Ҳар қаватнинг ораси 3—4 см. тупроқ билан ёпилади. Сўнгги қавати траншеянинг зиҳи билан баробар қилиб, устидан 25—30 см. тупроқ ётқизилади. Атрофида ҳаводан тушган ёнингарчиликларни оқизиб юбориш учун ариқчалар қазилади.

Участкани ташлаш. Анор ва анжир кўчатларини экиш учун текус ёки қия турган, ўтбосмаган яхши суғориладиган ерларни ажратиш керак. Тузли ва ботқоқликқа айланган ерлар кўчатзорлар учун ярамайди. Янги бузилган бедазорларга экилса жуда ҳам яхши бўлади.

Тупроқ тайёрлаш. Кўчатзорга ажратилган жой кузда 30—35 см. чуқурликда бир марта ҳайдалади. Баҳорда икки ҳайдалиб мола босилади. Кузги ҳайдаш даврида ҳар гектар ерга 90 кг. дан фосфор ўғит бериш керак.

Экиш даври—баҳорда, жануб районларида 20 мартгача, шимолий районларда 5 мартгача ўтказилиши керак. Экиладиган новдалар траншеядан олиниб, диққат билан текширилади ва сараланади. Зарарланган навалар (музлаган, қуриб қолган, чириган ва бошқалари) ажратилиб ташланади. Ўтқазилган ярамайдиган наваларни 20—25 см. узунликда қаламча қилиб кесилади. Эски кесилган жойлари янгиланади. Пастки томони куртак ёнидан «кўзидан» кесилади, бу тезда коллюзионни ҳосил бўлишига ёрдам беради. Экишдан илгари қаламчалар 10—12 соат оқиб турган сувга ташлаб қўйилади.

Қаламчалар ўтқазиш учун ҳайдалиб қўйилган ер 80 сантиметрдан қилиб бўлинади ва оқучний блан 20 см. чуқурликда ариқ олинади. Ариқни ёнига, ораси 10—12 см дан қилиб, куртакланган битта бўғимидан настини тупроққа кўмиб, ип тортиб экилганда ариқлар кетмон блан олинади. Экилгандан кейин олинган ариқлардан тўйдириб сув берилади, бу тупроқнинг яхши ўтиришига ва қаламчанинг тез илдиз олишига ёрдам беради 2—3 кундан сўнг, ернинг суви тортилгач, қатор оралари кетман блан ёки от культиватори блан юмшатилади.

Қўчатзорнинг ўз вақтида ва яхши парваришлаш натижасидагина стандарт кўчат материалларини олиш мумкин бўлади. Қўчатзор тоза сақланиши, бегона ўтлардан тозаланиб туриши керак.

Ўсиш (вегетация) даврида тупроқ шаронтига ва баҳорги намгарликка қараб, кўчатзорни 11—15 марта ба сўғориш керак. Сўғориш қуйидаги муддатларда: апрельда 1 марта, майда 1—2 марта, июньда 3 марта, июльда 3 марта, августда 2—3 ва сентябрьда 1—2 марта ўтқазилиши керак. Энг сўнги сўғориш шимолий районларда 5 сентябрьда, жанубий районларда 15 сентябрьда тамомланиши лозим. Сўғоришдан илгари от оқучниги блан ариқ очилади, ҳар сафар сув берилгандан сўнг от культиватори блан тупроқ юмшатилади. Бегона ўтлар блан курашиш учун 5—6 марта кетман чопиғи қилинади.

Яхши ўстириш учун вегетация даврида азотли ўғит солиш керак. Май, июль ойларида қатор ораларига галдаги сўғориш олдидан, ҳар гектарига 40 кг. азот солиш керак.

Кўчатларни қазиб олиш, нав'лаш ва уларни сақлаш

Анор ва анжир кўчатлари кузги биринчи совуқдан кейин, дарахтлар баргини тўккан вақтда қазиб олинади. Бу шимолий районларда октябрь ойининг иккинчи ярмига, ноябрийнинг бошида, жанубий районларда эса,— ноябрь ойларига тўғри келади, кўчатларни кетман ёки махсус тайёрланган от плуги ва трактор плуглари блан 35—40 см. чуқурликда илдизга зарар етказмасдан аста-гина қазиб олинади.

Тупроқнинг шароитига қараб, қазилмасдан 4—5 кун илгари кўчатзор суғорилади. Бу кўчатни қазиб олочи кишининг меҳнатини осонлаштиради.

Қазиб олинган кўчатлар қабул қилинган стандартга қараб 3 нав'га ажратилади. Биринчи ва иккинчи нав'даги кўчатларни экиш мумкин. Аммо учинчи нав'даги кўчатлар экиш учун етилмагани, илдиэлари, ҳали кучсиз бўлгани учун келгуси йилга қолдирилади. Я'ни бир йиллик синов даврини ўтиш учун олиб қолинади. Уринган ва зарарланган кўчатлар чиқитга чиқарилади. Кўчатлар текширилиб нав'и ва сифатига қараб ажратилгач, қишқи мавсумда траншеяда кўмилган ҳолда қолдирилади. Траншеянинг чуқурлиги 40 — 45 см. бўлиб бўйи ва эни кераклигича қазилади.

Ўсимлик боғланмасдан илдиэи блан 45% — 50% қия ҳолда тахланади. Траншеянинг зиҳигача тупроқ блан кўмилади. Траншеяда бўшлиқ қолдирмаслик, тупроқни чўкдириш учун сув қуйилади. Ўсимликнинг траншеядан чиқиб қолган қисмини бир томонга учидан ерга энгаштирилади ва икки томонга нишаб қилиб намланган тупроқ блан кўмилади, ёмғур ва қор сувлари тўпланиб қолмаслиги учун траншеянинг икки томонида ариқчалар қазилади. Ҳарбир нав'нинг турган жойини билдириш учун тепасига қозиқ қоқилади ёки нав'нинг номини томага ёзиб илиб қуйилади. Бундан ташқари, ҳарбир траншеяда жойланган нав'ларни ва кўчатнинг сонини кўрсатадиган план бўлади.

Бутун қиш бўйи кўчатларнинг устидан назорат қилиб турилади.

Кўчатларни қазиб олиш ва ташиш. Кўчатлар баҳорда ўтқазилшдан бироз илгари қазиб олинади. Кўчатлар жўнатиш вақтида юзта-юзта қилиб похол ёки қамич блан ўралиб боғланади. Узоқ масофаларга жўнатиш керак бўлган тақдирда кўчатларнинг илдиэи ялпиз, похол, қиёқ ва унинг устидан чипта ёки қоп блан ўраллади. Кўчатларни ташиш вақтида ўсимлик ташишдаги ма'лум қоидаларни қўллаш керак бўлади.

Анор ва анжир дарахтларини экиш ва уларни биринчи йилги парвариши. Боғ қуриш учун текис ёки нишаблиги 10° , ошмаган, вегетация вақтида сув блан яхши та'минлашга қулай ер бўлиши керак. Анор чуқур, яхши ҳаво алмашадиган сариқ тупроқли, ер ости суви 3 метрдан чуқурликда бўлган ерда яхши ўсади ва ҳо-

сил беради. Тузли, ботқоқлик ва тош—шағалли ерларда ва ҳатто шундай ерлар яқин бўлган ерларда боғ қуриш ярамайди. Шимолий томони табиий дарахтлар блан ҳимоя қилинган ер участкаси боғ ташкил қилиш учун ажратилган тақдирда анча кулайлик туғилади. Агарда табиий ҳимоя дарахтлари бўлмаган тақдирда боғ қуришдан бир—икки йил илгари шамоллардан ҳимоя қиладиган дарахтлар ўтқазилса лозим. Агарда катта сатҳга боғ қуриладиган бўлса, участка кварталларга бўлинади. Ҳарбир квартал 4—10 гектар катталиқда бўлади. Кварталларнинг орасида 6 метр кенгликда йўл қолдирилади ва суғориш учун керак бўладиган ариқлар қазилади. Ариқ қазилган ишларини кўпроқ иш кам, қишқи кунларда ўтқазилса керак.

Боғ қуриш учун ажратилган ер кузда 30—35 см. чуқурликда, баҳорда иккинчи марта ҳайдалиб мола босилади. Баҳорги ҳайдови чизил қилиш блан алмашиш мумкин. Чизил қилингандан сўнг мола бостириш керак.

Баҳорда боғ қуриладиган участканинг тупроғини тайёрлагандан сўнг ернинг рельефига қараб ва суғориш ариқларининг оқар томонини аниқлаб участканинг кўчат экишга тайёрлиги белгиланади. Участка мевали дарахтларга бўлингандай, анор ва анжир боғлари ҳам бўлинади. Анор учун қатор ораси 5 метр, ўсимликларнинг ораси 3 метрдан қилиб бўлинади, бир гектар ерга 666 дона кўчат жойланади. Анжир ораси 5 метр, кўчат ораси тупроқнинг кучига қараб 4—5 метр қилиб бўлинади. Бир гектар ерга 400—500 дона анжир кўчати ўтқазилади. Кўчат ўтқазилган учун чуқурлиги 60 см. диаметри 75 см. бўлган чуқурча ковланади.

Ўзбекистоннинг жанубий районларида оби-ҳавонинг исшига қараб анжир кўчатларини экиш мартнинг охири апрель ойининг боши белгиланади. Республиканинг марказий ва шимолий районларида кўчат апрель ойининг биринчи ярмида экилади.

Кўчатларни экишдан олдин текшириб кўрилади. Уринган ва захаланган кўчатлар экилмайди. Илдизининг шикастланган жойлари, эски кесилган жойлари эса соғлом жойларигача кесиб ташланади: суяк лойга сиғир гўнгини аралаштириб кўчат илдизини ботириб қўйилади. Экиш вақтида кўчатларнинг илдизлари чуқурчага тўғри қўйилади. Кўчат ўрнатилган чуқурча

юмшоқ нам тупроқ блан тўлдирилади. Бу вақтда кўчат илдизларининг орасига тупроқ зич тўлсин учун, кўчатни силкитиб турилади. Солинган тупроқ усти оёқ блан шибланади. Кўчатларнинг илдиз буғуми кўчатзорларда қанчалик чуқурликда ўсган бўлса асос ўтказилган вақтда ҳам шунчалик чуқурликда бўлиши керак. Кўчат ўтқазилган дан кейин чиқарган навдасини 2—3 кесиб ташланади. Анжир кўчатининг тевараги чопиқ қилинган вақтда 15—20 см. баландликка тупроқ ётқизилади. Гунбазча (холмис) қиқилади. Чопиқ ўсимликнинг илдиз атрофидаги тупроқни тез қуриб қолишдан сақлайди. Иккинчи суғорилгандан сўнг тупнинг тагига тўланган тупроқлар текисланиб юборилади. Кўчатлар экилиб бўлгандан сўнг, қатор орасида, тупнинг тагидан 0,75—1 метр узоқликда суғориш учун ариқ ўтказиладди, ҳарбир тупнинг атрофи узун ариқ блан туташган, тақа шаклида ариқ олинади. Ўсимликни экиб бўлгандан кейин дарҳол, суғориш керак. Агарда ўтқазилган ариқлардан суғоришнинг иложи бўлмаса қўл блан ҳар тупнинг остига икки челақдан сув қўйилиши керак.

Суғорилгандан 2—3 кун ўтказиб экилган кўчатларни текшириб, тупроғи чўккан тупларининг остига яна тупроқ тўдалаб қўйиш керак.

Вегетация даврида кўчатга 12—15 мартаба сув берилади. биринчи сув мартда—1, апрельда—2, майда 2—3, июньда — 3, августда — 2 ва сентябрьда 1 марта сув бериш керак. Баҳорги обн-ҳавонинг келишига қараб, шимолний районларда апрель ва май ойларида суғориш сони камайтирилиши мумкин. Ҳар сафар суғорилгандан сўнг тупнинг атрофини юмшатиш зарур. Қатор оралари шудгорлигича қолиш лозим ёки ҳайдалиб ташланадиган экинларни экиш мумкин. Ёз мавсумида 2—3 марта, бегона ўтларийнги чиқишига қараб 4—5 мартагача шудгорлаш мумкин. Қатор ораларига эртаги картошка, сабзавот ва полиз экинларини экиш тавсия қилинади: аммо кечки картошка, сабзавот полиз экинларини экиш тавсия қилинмайди. Чунки бу экинлар вегетациясини секинлатади ва навдалар пишмай қолади. Шу каби экинлар, маккажўхори, техника ва мойли ўсимликлар ернинг қувватини олиб қўйиши ва кечки сувни талаб қилиши сабабли қатор ораларига экиш тавсия қилинмайди.

Кузда, қишқи мавсумга кўмиш олдидан кераксиз навдаларни буталиб, шаклга киритилади. Анорда 4—5

навда, анжирда 3—4 навда қолдирилиб қолганлари бута лади. Иккинчи қатор навдалари ердан 40—50 см. баландликда қолдирилади.

Ёш боғнинг парвариши. Баҳорги совуқлардан кейин (мартнинг охири апрельнинг боши) ўсимлик тупроқдан очилади, қатори чопилади, қатор оралари эса ҳайдалади ва мола бостирилади. Кўчатлар қатори бўйича бир метр нарида ҳар икки томондан суғориш учун ариқ қазилади, тупнинг атрофи гирдоб қилиб қўйилади.

Ўсимлик очилгандан 10—15 кун кейин синган, қурган шох ва илдиздан чиқарган новдаларни кесиб ташланади. Шундан кейин тиргавич қўйиб кўтарилади. Ундан кейин йил бўйи илдиздан кўкариб чиққан, кўп новдалар тозаланади. Мавсумда 10—12 марта апрельда 1, майда 1—2 июльда, августда 1—2 сентябрьда 1 марта суғорилади. Сўнгги суғоришни август ойининг охирида, сентябрийнинг бошида тамомлаш керак. Чунки новдалар етилиши ва ўсимлиkning қишга тайёрлаш учун ҳам вақт қолиши керак.

Қатор ораларидан ташқари қаторларни ҳам баҳоргидан ташқари вегетация вақтида 1—2 чопиқ ва 10—12 см. чуқурликда 2—3 марта тупроқни юмшатиш керак. Қатор ораларини шудгор қилган ҳолда қолдириш ёки эрта пишар ўсимликлардан экинш керак. Ҳар битта ўсимликка минерал ўғутларни 80—120 гр азот, 40—60 гр фосфор ва 40 гр калий ҳисобидан бериш керак. Ўсимликлар қишда кўмилгандан сўнг қатор оралари 22—25 см чуқурликда ҳайдалади.

Ҳосилдор боғларни парваришлаш ва ҳосилни йиғиб олиш. Анор ҳам анжир ўсимликлари 7—8 ёшда авжи ҳосилга кирган даври ҳисобланади. Бу даврда қатор ораларини эртаги сабзавот, картошка ва полизчилик экинлари билан эгаллаш яхши бўлмайди. Яхшиси қишқи дукакли экинларни (сидарационных культур) галма-гал экилиб келгуси йил баҳорда шудгор қилиш керак. Кўк-ламда ўсимлик очилгандан сўнг қатор оралари ҳайдалиб, қатор дарахтларнинг ости эса чопилади. Қатор оралари ҳайдалишдан илгари ҳарбир гектар ерга 20 тонна гўнг, минерал ўғитлардан:—120 кг. азот, 120 кг. фосфор ва 60 кг. калий солиниши лозим. Дарахтларни суғориш учун қатор оралари 80—100 см. бир-биридан узоқликда бўлган ариқлар қазилиб шу ариқлардан суғорилади. Анор вегетация вақтида 10—12, апрельда—1,

майда—2, июньда 2—3, июльда 2—3; августда 2; сентябрьда 1 мартаба суғорилади, анжир бир оз кам, мавсумда 9—10 мартаба суғорилади. Бута ш вақтида қуриган шоҳларигина кесилади.

Анжирнинг биринчи ҳосили асосан июннинг охирида—июльнинг бошида терилади. Иккинчи ҳосили август ойида бошланиб, анжирнинг пишишига қараб, то кечки куз, совуқ тушгунча чўзилади. Мева узилиб нав'—нав'и блан махсус ясси сават ёки ғалвирларга терилади. Обдон етилганда исте'мол ва консерва қилиш учун узилади; қоқи солиш учун эса, дарахтда бир оз сўлдириб сўнгра узилади.

Анор ҳосили нав' ва экилган районларга қараб сентябрьнинг 2-нчи ярмида йиғила бошланади. Ялписига октябрийнинг биринчи ярмида узилади. Анор мевасини секатор (махсус асбоб) блан эҳтиётликда, думини наздада қолдириб кесиш керак. Узилган мевалар қоранғи ва қуруқ уйда 2—3 кун қурилгандан сўнг уч нав'га ажратилади. 1 нчи ва 2 нчи нав'и йириклигига қараб, 25—100 талаб яшикка тахланади; 3 нчи нав'даги анорларни тезда консерва ёки иккинчи бир нарсга тайёрлаш учун тарқатиш керак.

Қишда анор ва анжир тупларини кўмиш. Ўзбекистонда анор ва анжир дарахтлари қишқи совуқлардан сақлаш учун кўмилади. Шимолий районларда ноябрь ойи бошида, жануб районларда бутун ноябрь ойи ичида кўмилади. Кўмишдан илгари тупроқни юмшатиш учун енгилгина суғорилади. Ўсимликнинг учидан секингина эгилади, бундан олдин эгиладиган жойга похол ёки қамич ётқизиб унинг устидан 20—25 см. қалинликда тупроқ ташланади. Ёш дарахтларни эгиш осон бўлгани сабабли 2—3 киши, катта тупларни кўмиш анча мураккаб бўлгани учун 6 ва ундан ортиқ киши кўмади. Дарахтнинг асосий танасини синдириб қўймаслик учун жуда ҳам эҳтиётлик блан эгиш керак.

Худди шундай эҳтиётлик блан дарахтлар баҳорда тупроқ ва бошқа ўралган нарсалардан очилади. Дарахтнинг атрофидаги тупроқ текисланади. Дарахтлар республиканинг жанубий районларида февраль-март ойининг бошида, Шимолий районларда мартнинг охирида—апрель ойининг бошларида очилади. Орадан бирнеча кунни ўтказилиб тиргавучлар блан навалари кўтарилади.

Ўрта Осиё республикаларида анжирни саноатда қуритиш тажрибаси кенг қўллангани йўқ. Ушбу қўлланма 1936 йилда қуруқ субтропик институти Наманган облас-тининг Наманган районида ўтказган тажрибаларига асосланиб тузилган ва вақтинча қўлланма ҳисобланади. Бу тажриба Наманган консерва заводи қуритиш пласад-касида ўтказилган.

1. Мевани тўкилиб ерга тушишини кутмасдан, дарахт устидан етилган меваларни узиш керак.

2. Мевани пўстини уринтирмасдан, пичоқ блан банди-дан эҳтиётлик блан ажратиш керак.

3. Меваларнинг заҳаланмагани, зараркундалар то-монидан зарарланмаганларигина қуритишга қўйилади.

4. Анжирни моғорлатмаслик, қоқисини ҳам қизил рангли бўлиши учун бир центнер ҳўл мевани 150 гр. олтин гугурт блан махсус шкафларда димлаш керак. Димлаш учун оқшом ва эрта саҳар энг яхши вақт ҳисоб-ланади. Мева шкафда 2—3 соат туради. Шкафга анжир банд томони блан терилади.

5. Офтобда 6—8 кун, сўнг сояда комбинация қилин-ган қуритиш жуда яхши натижалар берган. Қуритилган мева прессда сиқилади.

6. Мева ғалвирларда қуритилади. Ғалвир 2 см. кенг-ликда бўлган тахтачалардан, орасида 1 см. очиқ қилиб тайёрланади. Ғалвирлар ердан 80 см. кўтарилган, махсус стелажларга қўйилади, ерга қўйиш ярамайди.

7. Текис қуритиш учун патнисга бир хил йирикликда-ги мевалар терилади. Шираси оқиб кетмаслик учун мева патнисга банд томони блан қўйилиши керак.

8. Яхши қуритиш учун меваларни турган жойда ку-нига икки мартадан ўгириб турилади.

9. Қуришга яқинлашган пайтда анжирнинг ичи чал-пакнинг намлигича бўлиши керак. Қуритилган анжирнинг намлиги 20% дан паст ва 30% дан юқори бўлмаслиги керак.

10. Қуритиладиган майдонча очиқ, шобадо урадиган ва мумкин қадар тепаликка ўрнатилган бўлиши керак.

11. Мева терилган ғалвирларни кечанинг салқин ва шудрингидан сақлаш керак. Ғалвирни усти қоп ёки сурп блан ўралиши, ғалвирларни тент ёки штабель ҳолда тахлаш мумкин.

12. Яшиқларга жойлашдан илгари қуритилган мевалар яна сараланади.

Олий нав': диаметри 4 сантиметрдан кам бўлмаган йирикликда, териси тиниқ ва ҳечқандай зарарланмаган, уринмаган мева.

Биринчи нав': олий нав' мевалар сифатида бўлиб диаметри 3—3,5 см. йирикликдаги мевалар.

Иккинчи нав': сифатли биринчи нав'даги мевалар блан тенг бўлиб, бироз заҳаланган бўлади.

Учинчи нав': бу юқоридаги уч нав'дан қолган мевалар бўлиб бир оз моғорламаган бўлиши керак.

Тўртинчи нав': 70% дан ортиқ меванинг усти моғорлаган бўлади. Бу нав' спирт олиш учун ишлатилади.

Бу қуриштиш схемаси М. В. Рудневдан олиниб, бир оз содалаштирилган.

Х У Р М О

Бу ўсимлик Ўзбекистонда кам тарқалган. Самарқанда, Наманганда, Ленинобод ва Сурхондарё областининг Денов районидаги тажриба станциясида бир мунча япон ёки шарқ хурмолари устида ўтказилган тажрибаси, хурмони Ўзбекистоннинг ба'зи бир районларида ўстириш мумкинлигини кўрсатади.

Хурмо — дарахтга ўхшаб ўсиб, қишда баргларининг тўкади, ранги қизғич тўқсарик, тўйимлик, йирик мевали ўсимлик. Бу ўсимлик фақат меваси учунгина ўстирилади.

Шарқ хурмосининг меваси юқори диетик ва даволик хусусиятга эга. Уларда 14—18% глюкоза, фруктозли шакар моддаси, 0,1% кислота, кўпгина миқдорда А ва С витаминлари, каротин ва органик темир моддалари бор. Пишиб етилган мевада энг кўп витамин бўлади. Кўп нав'ларнинг етилмаган мевалари еб бўлмайдиган даражада туруш бўлади. Лекин ба'зи бир нав'ларнинг довучаси ҳам туруш бўлмайди. Танин моддаси хурмонинг нав'га қараб 0,1—1,5% бўлгани сабабли етилмаган хурмолар турушли бўлади. Бир қанча вақт сақлангандан сўнг жуда ҳам яхши та'мга эга бўлади. Хурмонинг меваси хўлличича ва қуритилган ҳолда исте'мол қилинади. Хўл мевадан 50% қоқин чиқади; қуритилган мевада 45—62% шакар моддаси бор. Закавказьеда саноат учун ишлатиладиган хурмо боғлари бирнеча минг гектар ерни эгаллайди.

Совет давлатида уч турдаги: кавказ, шарқий-япон ва виргин хурмолари ўсади. Шарқий ёки бошқача қилиб айтганда субтропик хурмо саноат учун катта аҳамиятга эга. Кавказ ва виргин хурмолари селекция учун аҳамиятли бўлиб, шарқий хурмони пайванди учун ишлатилади.

Кавказ хурмоси ёки дисспирос лотус Грузия, Хитойда ва Урта денгиз бўйи давлатларида ёввойи ҳолида ўсади. СССРда Қримда, Шимолий Кавказда, Тожикистонда ва Ўзбекистонда ўсади. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 1948 йилдаги экспедицияси хурмони биринчи марта Ўзбекистонда Тўпаланг дарёси бўйида ва унинг тормоқ соҳилларида, Ҳисор тоғининг (Сурхондарё области) ғарбий-жанубида учратган.

Топилган хурмозор кичик бўлгани сабабли саноат учун унча аҳамияти йўқ. Унинг маҳаллий номи—Сапсан. У, денгиздан 2000 м юқориликда ўсади. Алоҳида дарахтлар яхши таъмли мева беради. Уларни маҳаллий халқ истеъмол қилади.

Виргин хурмоси ёки диоспирос Виржиниана — Жанубий Америкада ўсади. У бизда тарқалмаган.

Бизда асосан Грузия, Қримнинг жанубий райониларида, Краснодар ўлкасида, Япониядан чиққан субтропик хурмоси экилади. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг жанубий районларида янги хурмо экиладиган районлар ажратилган.

Субтропик хурмо (бетаник номи—Диоспирос қоқи) эбен қабилисига киради. У 17—20° совуққа чидаса ҳам, 22% совуқда танаси батамом музлайди. Тамопон навдаги хурмо жанубий Ўзбекистонда совуққа чидамли, серҳосил ҳам йирик мевали бўлиб чиқди. Бу навдаги хурмо ҳавонинг қуруқлигига чидайолади ва оғир лойли тупроқларда яхши ўсади. Лекин тупроқда намнинг ортиқча бўлишига чидолмайди. Хурмо уруғдан асосан вегетатив—сун'ий равишда чанглаш ва пайванд қилиш йўли билан кўпайтирилади. Уруғдан чиққан Кавказ хурмоси ва нам тупроқларда уруғдан чиқарилган Виргин хурмосидан пайванд қилиш учун олинади. Хурмо экилганининг учинчи йилида ҳосилга кира бошлайди. 10—12 ёшда тўла ҳосилга киради. Болоғатга етган хурмо дарахтларнинг ҳосили 100—200 ва 500 кг. мева беради. Хурмо апрелнинг охирида—майнинг бошида гуллайди. Кўпчилик навлар

оналик гулларини, кам қисми оталик гулларини ўстиради. Алоҳида нав'лар чанглатилмаса ҳам ҳосил беради. Юқори сифатли ва мўл ҳосил олиш учун чапраст чангланниши та'минлайдиган нав'ларни экиш керак. Меваси сентябрьнинг иккинчи ярмида етила бошлайди. Уларнинг шакллари яссидан то цилиндр шаклига ўхшаган бўлиб, нав' ва экиннинг шаронтига кўра диаметри 3—8 см. катталиқда бўлади. Мевани ўртача оғирлиги 100—400 граммгача етади.

Хурмо дарахтлари парваришга қараб 40—100 йилгача яшаб, ҳамма вақт ҳосил беради. Хитойда пайванд қилинган хурмонинг 500 йил яшаётган дарахтлари бор. Ўзбекистоннинг бир канча районларида, асосан 20% дан ортиқ совуқ бўладиган шимолий районларида хурмо ўсимлигини Виргина ва япон гибридларининг уруғидан ўстиришни бошлаш керак. Гибридлашдан мақсад И. В. Минчурин ва Т. Д. Лисенко та'лимлари асосидан риш ва саралаб олиш йўли билан совуққа чидамли, қишнинг совуғига яхши чидайдиган янги нав'ларни яратишдан иборатдир.

Жанубий ва айниқса иссиқ районларда ғарбий Грузияда эски нав'лар ўсади. Хурмо экиш учун офтобли, шимол томондан келадиган ҳархил шамоллардан муҳофаза қилинган ерларни танлаш керак. Текисликда экилган хурмога нисбатан қоя ерларда экилган хурмонинг мевалари ширин ва мазали бўлиши тажрибада қўрилган. Соғ тупроқ ва тош шағалли тупроқлар яхши сифатли мева олишга ёрдам беради. Бошқа мевали дарахтларни ўтқазиниш вақтида қандай жой ҳозирланса хурмо ўтқазиниш учун ҳам шундай тайёрланади. Бир ёки икки ёшдаги кўчатлар 6 х 6 метрдаги квадрат ерларга ўтқазилади, бинобарин, бир гектар ерга 277 дона кўчат сиғдирилади. Эрта баҳор кўчат ўтқазиниш учун энг қулай пайт ҳисобланади. Экинни 1-нчи апрельгача тугатиш керак. Кўчатни шимол синдирмаслиги учун қозиқ қоқиб бойлаб қўйиш, ундан кейин суғориш керак бўлади. Вегетация давридан 15—20 сентябрьгача 12 марта суғориш керак. Бу дарахтнинг яхши етилишига ва қишқи узоқ совуқлар тушгунча баргларини сақлаб туришига ёрдам беради. Қатор оралари сабзавот — полиз ўсимликларини экиш учун қолдирилади. Дарахт атрофидаги кавланган гирдоб ёз мавсумида 4—6 мартаба чапилиб юмшатилади.


Кейинги йилларда то дарахтлар ҳосилга киргунча қуйидагича парвариш қилиш керак. Ҳар йил кузда 22—25 см. чуқурликда ерлар ҳайдалади. Ҳар вегетация даврида 10—14 марта суғорилиб, дарахт атрофи 4—5 марта чопилади. Қатор ораларига кузда ҳайдалиб ҳашак бўладиган ўтлар ёки беда экилади. Ҳар йили минерал ўғитлар солинади. Дарахтнинг баҳоғатга етиши ўзгартирилган лидер (изменнолидерной) системасида бўлиб, кўчатзорда бошланади. Дарахт ҳосилга киргунча баҳоғатга етиши керак.

Ҳосил бўручи хурмо боғининг парвариши. Ҳар йил қатор ораларни кузда ва баҳорда 10-11 марта суғориш, дарахт атрофини 4-5 марта чопиш, юмшатиш керак. Қатор оралари кузда ҳайдалгандан кейин донли ёки дуккакли экинлар экилади. Хурмо гуллаган даврда ер ҳайдалади. Ҳар йили минерал ўғитлардан гектарига азот—120 кг., фосфор—90-120 кг., ва калий 30-60 кг. солинади. Дарахт кесиш—унинг шохларини сийраклаштириш демак. Бунда синган-шикастланган шохларни, семиз новдаларни шу блан бирга кам ўсган, ҳосилдан чиққан, калта новдаларни кесиб ташланади.

Ўзбекистонда кўпайтириш учун хурмони Хиакуме, Хачиа, Зенджи, Мару, Фуйю, Чинебули ва Танопан нав'лари; чанглатиш учун эса зенджи Мару нав'и тавсия қилинади.

Тавсия қилинган хурмо нав'ларининг қисқача та'рифи

1. **Хиакуме.** (расм 4). Грузияда энг кўп тарқалган хурмо нав'и. Ғарбий Грузияда Королёк деб ҳам юритилади. Меваси йирик думалоқ устиданмум симон модда тортилган бўлади. Меванинг ўртача оғирлиги 270 гр бўлиб, ба'зилари 400 грамгача етказиб ҳам мева беради. Ранги тиниқ қизғич тўқсариқ, етилган вақтида қизғичсариқ—қизил рангда бўлади. Эти ва уруғи тўқжигарранг бўлиб, чуқурлиги блан ажралиб туради; уруғсиз мевалари бироз текисроқ бўлади, эти тиниқ-қизғиш тўқсариқ, мева етилиб




Расм 4. Хиакуме


юмшоқ бўлгунча туруш бўлади. Меваси октябрь ойининг охирида етилади. Узоқ сақланади, та'ми яхши, составида 16% шакар моддаси бўлади. Чанглатучига муҳтож.

2. **Хачиа.** Фарбий Грузияда тарқалган, (расм 5) Японияда Хитойда ва Калифорнияда энг яхши нав' ҳисобланади. СССРда ҳам бу нав'ларнинг бирнеча турлари ма'лум, булар ичида энг яхшиси йирик мевалик нав'и. Меваси гўзал, йирик ёки ўртача катталиқда. 200-400 гр. оғирлиқда, териси юпқа. Етилганда мевасининг ранги қизғич тўқсариқ—қизил бўлиб, устида сийрак қора ҳоли бўлади. Эти қизил-қизғич тўқсариқ, уриғи атрофида қорароқ томирлари бўлиб, етилмасдан илгари та'ми туруш, етилган вақтида юмшоқ (желё) бўлади. Меваси октябрийнинг охирида етилади, узоқ сақланади. Яхши та'мли, составида 15% шакар моддаси бор. Қуритиш учун яхши нав'лардан ҳисобланади. Ўзи билан чанглатучисини ҳам ўтказишни талаб қилади.

3. **Занжи Мару** (расм 6). Фарбий Грузияда ҳам учратилади. Меваси ўртача ва кичик, думалоқ ёки бир оз чў-



Расм 5. Хачиа



Расм 6. Занжи Мару

зиқроқ, меванинг оғирлиги 100—180 грамм, пўсти қорамтил—қизғич тўқ сариқ бўлади. Эти қора кул ранг, нав'и туруш бўлмагани учун етилгунча ҳам исте'мол қилинади. Мазаси ширин, ёқимли яхши та'мли; составида 16% шакар моддаси бўлади. Чанглатучини талаб қилмайди. Тавсия қилинган ҳамма нав'ларни чанглатучи ҳисобланади. У, сер эркак гулли бўлади. Бошқа нав'ларга қараганда эрта пишар нав'нинг меваси октябрийнинг бо-

шида етилади. Унинг бу хусусияти жуда яхшидир. Унинг камчилиги фақат мевасининг майдалигидадир. Эти яхши.

4. **Фуйю.** Грузияда бўлади. Япония ва АҚШ (Флорида, Калифорния)да тарқалган. Меваси йирик ва ўртача ясси-думалоқ шаклда, териси қалин, меванинг оғирлиги 150—250 гр. Эти қизғич тўқсариқ, қалин, ўртача сувли, хомлигида ҳам туруш бўлмайди. Та'ми яхши, составида 18% шакар моддаси бўлади. Октябрнинг охирида, ноябрнинг бошларида етилади. Узоқ сақланади ва узоқ масофага олиб бориш мумкин. Йўлга чидамли. Ўзи билан чанглатучини ҳам ўтқазини талаб қилади.

5. **Чинебули.** Йирик ёки ўртача катталиқда, тўрт бурчакли думалоқ, текис қизғич тўқсариқ рангли устидан қуюққўк ранг тортилган. Меванинг оғирлиги 200—260 гр., эти қизғич тўқсариқ, сер сув, та'ми, ширин ёқимли, туршсиз 18—20% шакар моддаси бўлади. Кечроқ етилади. Яхши сақланади ва узоққа жўнатишга бўлади. Чанглатучини талаб қилади.

6. **Тамопан.** Грузияда учратилади. Хитойда ва АҚШ да ўстирилади. Йирик мевали, текис ёки думалоқ-текис, белли қисқ, қизғич тўқсариқ, қалин ва қаттиқ терили Меваси 400 граммгача оғирликда, сер сув, нозик, етилгунча турушли, уруғсиз бўлади. Кечки нав'н чанглатучини талаб қилмайди. Бу кечки нав' хисобланади.

Хурмоларнинг меваси жуда нозик бўлганлигидан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. Мева юмшоқ бўлиб, захалангандан кейин яриб кетади. Мевани сентябрнинг иккинчи ярмидан тара бошланади. Хурмонинг меваси нозик бўлгани учун бандини секатор билан, бандини қолдирмасдан, дум томонидаги қосачани қолдиришга мўлжаллаб териш керак. Терилган мевалар юмшоқ похол, қиринди солинган яшик ёки қоп тикилган саватларга териб қўйилади. Омборга келтирилгандан кейин йириклигига ва аҳволига қараб сараланади; зарарлангани тезда тарқатилади. Жўнатилишга белгиланган мевалар яшикларга жойланади, қолганлари эса сақланиш учун омборда қолдирилади. Хурмо қўядирган омбор жуда ҳам қуруқ ва қоронғи бўлмаслиги керак. Ёриг жойда мева қоронғи жойга нисбатан секин етилади. Агарда омбор жуда қуруқ бўлса хурмо буришиб қолиб бутун қимматини йўқотадди.


Меваларни сақлаш вақтида стеллажга (тахтачага) бир қатор косачасини пастга қилиб терилади. Етилган меваларни исте'мол учун ажратиб олинади, ириган ва бузилганлари тезда ажратиб олиниши керак.

Субтропик хурмо — қимматли мева нави дан ҳисобланади. У борган сари диққатни ўзига жалб қилмоқда. Ўзбекистонда бу ўсимлик экиладиган ерлар тез вақтда деярли кўп кенгайтирилади.

Ф Е Й Х О А

Бу абадий кўк, мевали ўсимлик. Унинг составида иод, оқсил ва шакар моддалари бўлиб, исте'мол қилиш мумкин бўлганлиги учун ҳам экилади.

Фейхоа миртовилар қабиласига киради. Ботаник номи — Фейхоа селлована. У, жанубий Америкадан келиб чиқди; ёввойи ҳолда жанубий Бразилияда, Парагвайда, Уругвайда ва Шимолий Аргентинада ўсади. Фейхоанинг баландлиги 2—5 метр бўлиб декоратив бута ва дарахт шаклида ўсади. Барги қалин терили, чўзиқроқ овал шаклида, устида тўқкўк, тегидан кумуш рангда осилган бўлади. Гули бир уйли, катта, баргчалари этли, сиртида



Расм 7. Фейхоа меваси

оқ, ич томондан тўқ пушти рангли. Оталиги кўп миқдорда тўқ қизил — кармин рангда бўлади. Май ойида гуллайди. Ноябрь ойида етилади. Меваси овал ёки тухумга ўхшаган 4-6 см. узунликда ва 3-5 см. кенгликда, тўқкўк рангда бўлиб, етилган вақтда бир оз сарғаяди.

Эти тўқ, сер сув, тиниқкрем рангда, кўк уругли, жуда ҳам ҳушбуй ёқимли та'мли бўлади (расм. 7). Меваси ҳўллигича исте'мол қилинади, шунингдек кондитер маҳсулотларини тайёрлашга ишлатилади. Хўл меваси ананас ва ўрмонда ўсадиган майда клубник (жига)нинг мазасини беради. Фейхоа уругидан ва пархешдан кўпайтирилади.

Ўзбекистоннинг жанубий районларида фейхоани тарқатиш учун кенг тажриба ўтказиш керак.

Х И Т О Й Х У Р М О С И

Унаби ёки хитой хурмоси—Финики, меваси сиртқил кўринишдан йирик мевали жийда шаклида, аммо ноз-немати жиҳатидан жийдадан юқори туради. Ўзбекистоннинг алоҳида областларида якка нусхалари ва кичик тўда чирмашиб ўсган ҳолда учратилади. Бу қуруқчиликка чидамли экин, Ботаник номи—Зизифус ююба, ўзбеклар жилон-жийда деб атайдилар. Унаби крушинлилар оиласидан бўлиб, Жанубий Осиёдан келиб чиққан. Бу ўсимлик Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон айниқса Шимолий ва Шарқи-шимолий Хитойда кўп ўсиб, ҳархил нав'лари бор. Унаби АҚШда ҳам ўстирилади. СССРнинг жануб районларида Зизифуснани бошқа нав'даги ёввойи турларини чакалакзорлиб ўсганлари топилган. Бу нав'га Хитой хурмосини уласа бўлади ва тоғларнинг қурғоқчилик томонларини кўкартириш мумкин. Унаби 6—8 метр баландликда ўсадиган, барглари тўкиладиган, бир оз тиконли дарахт. Барги овал шаклида, тиниқяшил, уст томони яланғоч, тагидан тукли. Гули майда, сариқ. Май ойида гуллаб бошлайди. Меваси шакли ва ўлчами жиҳатидан ҳархил йирикликда, овал ёки эллиптик шаклли, ўртача йирикликда, оличадан тортиб то катта тухумдай бўлади. Эти унлироқ, қуриқ, ширин, йирик нав'ларининг меваларида 24% шакар моддаси бор. Қуритилганда эса 71—72% шакари бўлади. Меваси ҳўллигича исте'мол қилинади, консерва ва кондитер маҳсулотларини тайёрлашга ишлатилади.

Бу дарахт қурғоқчиликка ва совуққа чидамли бўлиши билан ҳам бошқа дарахтлардан, субтропик ўсимликлардан ажралиб туради. 30% С совуқ ва 40% С иссиққа чидай олади. Жилон жийда (унаби) Ўзбекистоннинг тепалик-ларида ва мозорларда, сугорилмаган ҳолда ўсиб мева

беради Унаби дарахтининг ўсиши учун бўз тупроқ энг яхши тупроқ ҳисобланади. Бу ўсимликнинг саноат навларини ва Ўзбекистонда ўсиб турган турлари асосида янги навлар яратиш ва четдан келтириш ишларини кенг равишда тажриба қилиш керак.

Б О Д О М

Бу янгоқ мевали ўсимликлар навига киради. Бодом мустаҳкам қобил — данак ичидаги ширин мағизи учун экилади.

СССРда оби-ҳаво ва тупроқ шароитлари қулай бўлган Озарбайжон, Грузия, Қрим соҳилида, Ўзбекистоннинг жануб районларида ва Тожикистон ССРда катта масштабларда бодом экиш учун руҳсат берилган. Бу ўсимлик ҳамма ерда мева беручи ўсимликларга йўлдош бўлади.

Ўзбекистонда бодом экиш майдонлари ва уларнинг бўлиниши

Республикамизнинг суғориладиган ва экиладиган ерларининг ҳаммасида бодом якка-якка туп ҳолида учратилади. Асосан бодом Фарғона водисида экилади. У ерда республика бўйича бодомларни 66% жойлашган. Экилиш майдонининг кенглиги жиҳатидан Фарғона область Олтиариқ райони ажралиб туради. Бундан ташқари бодом дарахтлари Сурхондарё областининг Сарносие районида, Қашқадарё областининг Бешкент ва Косон районларида, Наманган ва Самарқанд атрофидаги ерларга жойлашган.

Тоғ ва тоғ этагидаги районларда ёввойи бодомларни бирқанча турлари: Бухоро бодоми, Тиконли бодом, Петунников ва Новда бодомлар уғратилади. Оддий бодом ёввойи ҳолда учрамайди.

Ёввойи бодомларнинг қисқача таърифи

1. **Бухоро бодоми.** Ўзбек бодоми, ботаник номи — Амигдалюс — бухорика Ўрта Осиёда катта сатхини эгаллайди. Ўзбекистонда Ҳисор тоғининг ғарби-жанубий тормагида (Шаҳрисабз район), Нурота тоғларида учратилади. Бута ёки кичик дарахт шаклида, 5 м. баландликда ва танаси 15 см. диаметрча бўлади. Тоғларнинг ўрта белида 1000 — 2500 м. баландликда сер ўт қирғоқларда ёки дараларда (тоғ ораларида) ўсади.

Ҳархил хўжалик аҳамиятига эга, бўлган Бухоро бодомининг кўп нав'лари топилган. Бир туп дарахт 3 килограммгача ҳосил беради, данагининг оғирлиги 0,5—1,5 гр. мағизи 0,22 — 0,6 гр. оғирликда бўлади.

2. **Тиконли бодом**, ёки бодомча, ботаник номи Амигдалиус спинозиссима. Бу бодомнинг чакалакзорлари Тянь-шон тоғининг ғарбида — Оҳангарон дар'ёси бўйлаб Паркент районида ва Ҳисор тоғ қиррасининг Қир-тау этаклари, Чироқчи районида ўсади. 1—1,5 м баландликда бута ҳолида бўлади.

Денгиздан 500 — 1500 м. юқориликда тоғларнинг жануб қирғоқларининг тошлоқ этакларида ўсади. Бу ерда тайёрланган бодом мағизи сифати жиҳатидан Бухоро ёки оддий бодомларнинг мағизидан қолишмайди. Бу нав'нинг йирик данакли ва ширин турлари борлиги аниқланган.

Бута ҳолда ўсучи бодомлардан Петуников бодоми ва Новда бодом Ўзбекистонда кам учратилган ва кам ўрганилган бодомдир.

Тоғ бодомларининг маҳсулотлари янгилигида ишлатилмаган тақдирда ҳам кенг миқдорда озиқ-овқат ва техника саноатларида, медицинада, совин пиширишда ишлатилади ва экспорт молларидан ҳисобланади. Бухоро бодоми яхши нав'даги бодом ва ба'зан шофтоли пайвонди учун асос бўлади. Бодом экиш ва табиий бодомзорларни реконструкциялаш — сифатли нав'лардан пайвандлаш йўли билан кўпайтириш арқали майдонларини кенгайтирилиши керак.

Бодомдан фойдаланиш

Бодомнинг мағизи қиммат баҳога эга. Ширин нав'даги бодом мағизи 45—50% мой (глицирин алеан кислотаси) 25% оқсил, 5% шакар ва 3% камеди моддаларига эга. Аччиқ мағизли бодом бу моддалар бир аз каш бўлиб, унда 30% мой, 5% шакар, 2—3 камеди моддаси бор. Бодом мағизи мағиз ҳолида исте'мол қилинишидан ташқари озиқ-овқат кондитер саноатида парфюмер ва медицинада ишлатилади. Данаги қотмаган довучалик вақтида муроббо қилиш ва шакар билан исте'мол қилиш учун ярайди. Мағиздан ҳархил кондитер маҳсулотлари — пирожини, печенье, конфект, пряник, бодом пастаси, сир, сироп,

оршад, бодомли сув ва бошқалар тайёрланади. Ширин бодом кунжараси (ёғ олингандан кейин) қиммат баҳоли маҳсулот бўлиб, бодом уни, шоколодининг арзон навларини ва ҳархил дориларни тайёрлаш учун ишлатилади. Ширин бодомнинг кунжараси молларга концентрат овқат ўрнида, аччиғ бодом кунжараси эса ёкилғи ўрнида ишлатилади.

Аччиқ бодомни мағизда бодом ёғи ва парфюмер саноат учун бодом суви олинади. Мағиз ва унинг ёғли мойи медицинада дори тайёрлаш учун ишлатилади. Бодом шунингдек совун пиширишда ва вино тайёрлашда, пўчоғи эса, ҳархил маталарни бўяшда ишлатилади. Бодом пўчоғининг кулида 42% калий моддаси бўлиб, совун пиширишга ва ўғит сифатида ишлатилади. Бодом камеди моддасидан елим, гуммиарабик ва пахтадан ишланган маталарни бўяш учун бўёғ тайёрланади. Бодом ёғочи жуда мустаҳкам, чиройли, қизғич оттенкали бўлиб, яхши силлиқланиб, токаръ ва дурадгорлар ишлайдиган буюмларга ишлатилади.

Агробиология характеристикаси

Бодом, ботаник номи—амигдалюс киммунис пушти гуллар оиласидандир.

Бодом дарахти 10 м. баландликкача ўсади ва узоқ умрли бўлади. Олтиариқ районда юз йиллик бодом дарахтлари учрайди. Бодом дарахтининг учи ҳархил шаклда: ёйилган шаклдан, то мажнун тол шаклига бўлади. Барги узунроқ — қайчи барг, ташқи кўринишидан шафтоли баргига ўхшайди, лекин бирмунча ингичка, тиниқ-яшил рангда бўлади. Гули йирик, оқ ёки пушти ранглик дир.

Мева — данак пўсти блан чўзунчоқ — тухум ёки думалоқ шаклда бўлади. Данак пўчоғи ҳархил қалинликда ва мустаҳкамликда юпқа ғалвур пўчоқдан то тошдай қаттиқ пўчоқлик бўлади. Силлиқ ёки кўз-кўз, чўтир-чўтир ёки ариқча-ариқча бўлади. Ранги кўк рангдан тўқжигар ранггача бўлади. Мағизи ширин ёки аччиқ бўлиши мумкин.

Бодом дарахти 27° С совуқликка чидаш берса ҳам бундай совуқда мева берадиган куртаклари музлайди. Куртаклайдиган вақтда 4°С, гуллайдиган вақтда 2°С

дан пастга тушмайдиган районларда бодомнинг гуллаш даври хатарсиз ўтади.

Бодомзор ташкил қилиш вақтида тоғ бағридаги текис жойларни танлаш яхшироқ, чунки бундай террасаларда (тоғ бағрида) баҳорги совуқ ҳаволар тўхтамасдан пастки ерларга силжиб кетади. Совуқ ҳаво тўхталиб қоладиган чуқурликларни бодомзор қилишдан воз кечиш керак.

Бодом дарахти қуруқчиликка чидамли бўлиб, ҳархил тупроқларда — тошлоқ, лойлик, соғ тупроқ ва қора тупроқларда ўсаберилади. Сув сингдиручи ва сув йиғичи шағал ва тош парчалари бир оз аралашган ўртача ҳосилдор соғтупроқда яхши ўсиб ривожланади ва мўл ҳосил берилади. Тупроқда сув тўхтаб қолишни ёқтирмайди, акс ҳолда дарахтни ҳаммаси қуриб қолишига олиб келади, илдизлари чириб кетади. Сер шағалли, кам унум бериладиган, қояси сувга яқин бўлган тупроқлар ҳам бодом ўсимлигини экингда ярамайди.

Бодом данагидан во пайванд қилиш йўли блан кўпайтирилади. Бодом дарахти тез ўсади. Экинганга 4—6 йил бўлганда ҳосилга кирабошлайди, 10—12 ёшда тўла ҳосилга кирган даври бўлади. Бодом дарахти ўртача ҳисоб блан 4—5 кг. қуруқ бодом берилади, яъни ҳар гектардан 11—14 центрдан унум олинади.

Бодом шафтоли каби гул куртагини бир яшарли наваларида қўяди. Февраль — март ойида баъзан апрель ойида, олдин барг чиқармасдан туриб гуллайди.

Бодомнинг кўп навълари ўз-ўзини чанглатолмайди, шунинг учун чанглатучи навъларни ўтқозишни талаб қилади. Ўзбекистон шароитида бодомнинг камчилиги шундаки, у барвақт гуллаши натижасида кўп вақт гулини баҳорги совуқлар уриб кетади, натижада ҳосили ҳам йўқолади. Гул куртаклари тез етилиши, орқасида баҳорнинг совуғига чиниқиб етилмайди. Қиш мавсумида ҳам бирнеча кун ҳаво иссиғундай бўлса бодом ларрав куртак чиқариб, тезда гуллайди. Куртак бодом етилиши, учун кузда ҳосилини йиғиб олгач, бодом баргининг дарров сарғайиб тўкилмаслиги учун, суғориб наваларни ўстириш керак. Барглари дарахтда қанча узоқ турса, куннинг таъсирига берилиб, эрта баҳор гулламай кейинроқ, гуллайди ва кўп фойда берилади.

Меваси июннинг охирида ва августнинг бошларида етилади. Дарахтда мевалари яхши туради.

Бодомни ўстириш техникаси ўрук ва шафтолини ўстиришга ўхшаб кетади. Пайвандни аччиқ бодомга (оддий ва бухоро), шафтолига, олхўри ва тоғолчага уланади. Бодом боғининг қуриладиган ерига қараб пайванд теги-ни сайланади. Олхўри ёки тоғолча уланган бодом пастак бўлиб, тупроғи намроқ, ер ости сувларига яқин бўлган ерларда қўлланади. Шофтолига пайванд қилинган бодом, бодомга пайванд қилинганга нисбатан секин ўсади. Аччиқ бодомга найванд қилинган бодом кўчатларни чуқур сув шимиладиган тупроқларга ўтказилади. Бир яшарли кўчатлар яхши тутади. Икки яшарли кўчатлар бир яшарли кўчатларга нисбатан катта бўлса ҳам, лекин кўп вақт яхши тутмайди. Бодом экиладиган участкаларнинг тупроғи худди ўрук қиладиган боғнинг тупроғига ўхшаб тайёрланади. Кўчат кузда ва баҳорда ўтказилади; бохорги кўчат ўтказиш 15 март—1 апрельгача тамоланиш керак.

Олхўри ёки тоғолчага пайванд қилинган кўчатлар 5 х 5 м. шофтоли ёки аччиқ бодомга пайванд қилинган кўчатлар 6 х 6 метр оралиғида экилади, я'ни бир гектар ерга 280 дона кўчатни жойлаш мумкин.

Ўзбекистон шаронтида бодомни чанглатучи нав'лари аниқланмаган ва шунинг учун бодом боғини қуришда, чапраст чанглатиш учун, бирданига бирнеча нав'даги бодомларни экиш керак. Ўрик боғларининг тупроқларини қандай ишланса бодом боғини ҳам тупроғи худди шундай ишланади. Бодомзор тупроқ шаронтига кўра, вегетация мавсумида 4—7 марта суғорилади. Бодом ўзгартирилган лидер системаси бўйича шаклланади, камроқ коса шаклида шаклланади, бодом бир текисда ёруғлатишни талаб қиладди. Қуюқ шохли дарахт ёруғлиқнинг етишмаслигидан кам мева беради. Дарахтни ҳосилга кирган даврида қуриган шохларини кесиш, бир оз сийрақлаб, тушини ялонғочлаб туриш керак. Бу блан яхши ҳосил олишга эришиш мумкин. Шохларнинг учини вақт-вақтда кесиб, дарахтнинг шохини пастларида ҳам новда чиқартириб, фақатгина шохни учларидагина эмас, балки пастларида ҳам ҳосил беришга эришиш керак. Ҳосил беручи бодомзорга 2 йилда бир мартаба ҳар гектарига 40 тонна ҳисобида гўнг сочиш ва ҳар

йили минерал ўғитларидан ҳар гектарига азот—12 кг, фосфор—90 кг, калий 90 кг. бериш керак. Мевасини чодирга қоқиш, ёки қўл блан териш лозим. Ёғоч, тош ва бошқа нарсалар блан уриб туширишга руҳсат этилмайди. Силкитиш учун енгил (бомбук ёки бошқа) ҳода ишлатилиши лозим. Ходани шохга тираб туриб, шохга зарар етказмасдан осойишта силкитиш керак.

Терилган мева кейин устки пўстидан ажратилади. Бодом пўстидан ажратилмаган тақдирда пўсти бодомга ёпишиб қуриб қолади ва бодом пўчоғини бузади. Тозаланган бодомлар сараланади, қумурсқа ва қушлар зарарлаганларини бошқа ажратилади. Сараланган бодомлар тахтадан тайёрланган патнис ва зич ишланган бордонларда офтобда ёйиб қуригилади. Қуригишни пайсалга ташлаш ярамайди, чунки бодомнинг пўчоғи тезда қорайиб рангини йўқотади. Бодомлар 3—4 кун қуригилади, қуригилган вақтида ҳар кун ағдариб—аралаштириб турилади. Қуригилган бодом ҳавоси яхши бўлган қуриқ уйда сақланади. Бодомга оқ ранг бериш учун махсус камераларда олтингугурт тутинида 20—25 минут димланилади. Бир тонна бодомга 4—6 кг. олтин гугурт сарф қилинади. Димланган бодомни мағизига зиён тегмайди.

Ўзбекистон шаронтида бодом дарахти шафтолининг ва бодомнинг шира зараркундалари блан зарарланади. Шофтолининг шира зараркундалари бодом дарахтининг баргларига ёпишиб, уларни бўғади ва ҳалок қиладди. Бодомнинг шира зараркундалари дарахтнинг танаси ва янги новдаларига ёпишиб паразитлик қиладди. Зиёнкундаларини биринчи кўринишидаёқ анабазинсульфатни, бир литр сувда 2—2,5 гр. ҳисобидан тайёрланган эритмасини дарахтга сепиш йўли блан курашилади.

Ўзбекистонда кўпайтириш учун тавсия қилинадиган бодом нав'лари

Саноат учун экиладиган бодомнинг ширин нав'лари қуйидаги асосий талабларни қондириши шарт: юқори ҳосилдор, меваси юқори сифатли бўлиши, узоқ вақт сақланиш қобилиятига эга бўлиши, зараркундаларга ва касалликка чидамли бўлиши, мева етилиш даврида пўсти яхши ёриладиган бўлиши, бодоми чиройли ва йирик мағизли бўлиши керак.

Саноатда ишлатиладиган нав'ларнинг пўчоғи қаттиқлик жиҳатидан 4 группага:—қоғозпўчоқли, юмшоқпў-

чоқли, стандарт пўчоқли ва қаттиқ пўчоқликка бўлинади. Экиш учун тавсия қилинадиган нав'ларнинг пўчоғи юпқа, ёки осон чақиладиган бўлиши керак. Қаттиқ пўчоқли нав'лари серҳосил бўлган шароитдагина ўстирилади.

Бир килограммда кўпи блан 530 дона бодом бўлиши, 40—80% мағиз чиқиши ва қуриқ мағиз ҳолда оғирлигига нисбатан 40—50% мой бериши керак. Мағизи якка, тўқ, мазалик бўлиши керак.

Ўзбекистонда бодом дарахти ўруғдан кўпайтирилиши сабабли, унинг кўп ҳархил нав'лари ўсади. Шулардан кўп қисми мевасининг паст сифатли ва кам ҳосиллиги блан ба'зилар мевасининг шакли, мағизнинг катталиги, та'ми мойлиги ва сифат жиҳатидан дун'ёдаги ёнғ яхши стандарт нав'лардан қолишмайдиган, хаддан ташқари қиммат баҳо нусхалари учрайди. Ўзбекистоннинг ҳархил районларидаги бодомзорларни Самарқанд мева селекция тажриба станцияси, Қуриқ субтропик институти, Никит ботаник боғи ва бошқа илмий текшириш ташкилотлари текширганлар. Бодомларнинг яхши нав'ларини текшириб ўрганиш натижасида маҳаллий—хўжалик аҳамиятига эга бўлган қимматбаҳо нав'ларни кенг тарқатишни тавсия қилганлар. Бодомнинг ҳархил нав'ларини ўрганиш натижасида улардан ба'зи бир нав'ларни Ўзбекистон шароитида кўпайтиришни тавсия қилишга руҳсат беради. Республикамизнинг бодомзорларини ҳозир ҳам ўрганилмоқда. Кейинги қидиришлар янги қиммат баҳо нав'ларни сўзсиз топишга далолат беради.

Бодом зот—нав'ларини Ўзбекистон ССР да районлаштиришда, ҳарбир районда ўзининг энг яхши нав'ларини ўстириш тавсия қилинади. Бутун Иттифоқ қуриқ субтропик институти ва Самарқанд мева текшириш станцияси Ўзбекистон областьларида экиб кўпайтириш учун қуйидаги нав'ларни тавсия қилади. Фарғона ҳам Бухоро областьларида Олтириқ бодоми №5-м; Қоджак №501 — Р; Консойли бодоми №515 — Р; кастакоз бодоми №1 — М.

Самарқанд области — Когати Гринево №52, Қаландархон №53. Қосим бодоми №33, Когати Мионсоль №19, Самарқанд бодоми №55, Лангедок, Нонпорель, Нек-плюс-ультра Принцесса.

Қашқадар'ё области. Олтиариқ бодоми № 5 — М, № 461 — Р, № 432 — Р, Нонпарель, Нек-плюс-ультра.
Сурхондар'ё области. Бойсун бодоми № 18 КТ, Коджак № 501 — Р, Костаков бодоми № 1 — М, Олтиариқ бодоми № 5 — М, Нонпарель, Нек-плюс-ультра.

Тавсия қилинган нав'ларнинг қисқача та'рифи

Олтиариқ бодоми № 5 — М. Март ойининг охирида, апрельнинг бошида гуллайдиган бодом августининг биринчи ярмида етилади. Ўртадан юқорироқ ҳосил беради. Бодом 35,5 x 15,3 x 11,9 мм катталиқда, 195 гр. оғирлиқда, юмалоқ, тўқжигарранг, юмшоқ пўчоқлиқ бодомлардир. Мағизи ширин, мазалик, мойлик 0,91 гр. оғирлиқда. Бир килограммда 512 дона бодом бўлиб, 46% мағиз, 54,7% мой беради.

Коджак № 501 — Р — баландлиги 8 метр, пирамида шаклида, сербарг бўлиб ўсадиган дарахт. Бодоми август ойининг ўрталарига яқин етилади. Серҳосил Пўсти қалин, осилган, яшил кулрангда бодоми 41,3 x 23,8 x 15,9 мм катталиқда; учи ўртача найзали ва орқаси чокли юпқа пўчоқ, силлиқ, ба'зан чуқурчали бўлади. Мағизи бурулганроқ, ширин, оғирлиги 1,49 гр. Бир килограммда 333 дона бодом 49,48% мағиз билан 56% мой чиқаради.

Консойли бодоми № 515 — Р. баландлиги 9 метр, шаклсиз шоҳи блан, жуда сербарг дарахт. Бодом август ойининг охирида етилади. Ўртача ҳосилли. Пўсти ўртача қалинлиқда ва ўртача осилган, бироз кулранг аралаш яшил рангда бўлиб, устидан сариқ ранг юритилган. Бодоми 35,7 x 20,6 x 13,1 мм катталиқда жуда ўткур учли дуккайган думли, юмалоқ пўчоқли, ўсти чуқурчали ва ғадир-будурроқ. Мағизи бурушган, ширин, оғирлиги 0,87 г. Бир килограммда 440 дона бодом, 37,4% мағиз бўлади ва 54,71% мой беради.

Костаков бодоми № 1. — М. — августининг биринчи ярмида етилади. Бодом 32,5 x 13,1 x 13,1 мм. катталиқда, 2,12 г оғирлиқда, юмшоқ пўчоқли, очкрем рангда. Мағизи ширин, мазалик, оғирлиги 1,2 г 1 килограммда 471 дона бодом 56,6% мағиз беради. 50,94% мой чиқаради.

Бойсун бодоми № 18 КТ. Бодом 40,9 x 15,9 x 11,9 мм катталиқда, 107 г оғирлиқда чўзинчоқроқ, қиличга

ўхшаган уч томони қайилган. Пўчоғи юмшоқ, тиниқ сариқ, ғалвирак, бармоқлар блан секингина сиқилганда ҳам чақилади. Мағизи тўқ, ширин та'ми бор. Оғирлиғи 1,3 г. Бир килограммда 483 дона бодом бўлиб 48,7% мағиз беради.

Коготи Мионсолъ № 19—баландлиги 8—9 метр, шохлари блан шар шаклидаги дарахт. Бодоми июльнинг охирида августнинг бошида етилади. Юқори ҳосилли бодом, тухум шаклида тумшуғи бироз қайрилган. Ўртача катталиқда, оғирлиғи 1,58 гр. Пўчоғи юмшоқ, тиниқ жигарранг бироз ғадир-будурроқ, ба'зан бу нуқта чуқурлар тарновчага ўхшаб кетади, қўл блан осонгина чақилади. Тўла мағизли, мазаси бодомга камроқ ўхшайди. Та'ми ўртача, оғирлиғи 0,99 г. Бир кг. да 633 дона бодом бўлиб, 58,9% мағиз беради.

Коготи Гринев бодоми—баландлиги 6—7 метр, шарга ўхшаган қуюқ шохли дарахт. Бодоми августнинг иккинчи ҳафтасида етилади. Ўртача ҳосилли, йирик бодомли, сал пачоқланган бўлса ҳам тухумга ўхшаганроқ бўлиб, уч томонига қараб чўзилиб кетади, 2,2 г оғирлиқда. Пўчоғи юмшоқ ва юпқа бўлганидан бормоқ блан чақилади. Пўчоғининг ранги оқиш, тарам-тарам. Тўқ мағизли, та'ми яхши, ширин; 1,2 г оғирлиқда. Бир килограммда 455 дона бодом; 55,1% мағиз беради.

Қаландархона бодоми № 53 — баландлиги 6—7 метр. Шар шаклидаги думалоқдан келган шохлари осилиб туради. Бодоми август ойининг учинчи декадасида етилади, яхши ҳосил беради. Бодоми йирик, чўзунчоқроқ, икки биқини чиққан, қоринчоки ҳам думалоқ, 2,4 г оғирликда. Пўчоғи деярли оқ, чақилиши осон, чўтир, ғадир-будурроқ ба'зан усти ариқчага ўхшаб кетади. Мағизи тўқ бўлади. Та'ми яхши оғирлиғи 0,98 г. Бир килограммда 417 дона бўлиб, 40,6% мағиз беради.

Қосим бодоми № 33 — баландлиги 6 м., шар шаклида, шохлари бироз эгилган дарахт. Бодоми август ойининг учинчи декадасида етилади. Яхши ҳосилли, бодоми йирик, тухум шаклида, орқа чоки кўтарилган, тумшуғи ингичка, қайрилган, оғирлиғи 2,36 г. пўчоғи юмшоқ, оқ сарғишроқ чўтир-чўтир ва эгри-бугри ариқчали бўлади. Мағизи тўла, ширин, та'ми яхши 0,82 г. оғирликда. Бир килограммда 224 дона бодом бўлиб, 34,3% мағиз беради.

Самарқанд бодоми № 55 — баландлиги 6—7 м сийрак, унда-мунда шохлари бўлган дарахт. Бодоми август ойининг охирида етилади. Юқори ҳосилли. Бодоми ўртача катталиқда, чўзинчоқроқ, қорни кўтарилган, тумшуғи ингичка қайрилганроқ бўлади, оғирлиги 1,57 г. Оқсарғишроқ, пўчоғи юпқа чўтир-чўтир, кўп вақт нуқталар бир-бирига қўшилмай ариқчага айланиб, қорнидаги чоки ҳам худди қирра чўққичага ўхшаб кетади. Мағизи тўла, ширин, ёқимли, яхши таъмли, 0,91 г, оғирликда бўлади. Бир килограммда 634 дона бодом бўлиб 57,2% мағиз беради.

Писта бодом—Ўзбекистон бодомзорларида, айниқса Фарғона водисидида кўпроқ тарқалган нав'. Бу нав'нинг бодоми майда бўлса ҳам, аммо донмий ҳосил бериши блан таърифланади. Меваси майда, пўчоғи юмшоқ, майда мағиз, шар шаклига ўхшаш, ширин, нозик мойли бўлади. Ўзбекистоннинг ҳамма боғларида кенг тарқатилса бўлади.

Принцесса бодоми — ҳосилдор, ўртача катталиқдаги кенг, куюқ шохли дарахт. Кеч гуллайди. Бодоми ўртача катталиқда, 35 x 24 x 19 мм текис—овал шаклида бўлади. Пўчоғи қоғоздек юпқа, қўл блан осон чақилади, қуюқ жигарранг бўлади мағизи катта, кенг усти бурушган, ширин, мойли, нозик ёқимли таъмда бўлади. Бир килограммда ўрта ҳисоб блан 300 дона бодом бўлади.

Лангедок бодоми. Тикка чиққан кўп шохли, азим туп (баланд бўйли) дарахт. Бодоми йирикмас, 28 x 18 x 13 мм Пўчоғи ўртача қалинликда, ғадир—будур, чўтир-чўтир тиниқсомон рангида. Мағизи текис сермойли, таъми ёқимли. Бир килограммда 470 дона бўлиб, 70% мағиз беради.

Нонпарель бодоми. Ўртача бўйли, шохлари шаклсиз дарахт. Кеч гуллайдиган нав'дан, совуққа чидамли. Бодоми ўртача катталиқда—40 x 21 x 15 мм Ҳархил шаклда бўлиб, кўпчилиги чўзинчоқ, қорни текис овал шаклида. Пўчоғи юпқа, мағизи кўриниб туради, пўчоғининг усти шўралаган тўпроққа ўхшайди, мағизи катта, ялпоқ, ширин, мойли, таъми ёқимли. Бир килограммда 519 дона бодом бўлиб, 66% мағиз, 58% мой беради.

Нок-плюс-ультра бодоми катталиги ва кўринишининг кўмкўклиги жиҳатидан диққатни ўзига жалб қилади. Эрта гуллайди, ва ноқулай оби—ҳаво ва тупроқ таъсирида бўлади. Совуқдан ҳимоялашни ва яхши туп-

роқли жойларда ўстиришни талаб қилади. Қуюқ шохли ва шохлари авжи ҳосилга кирганда осилган бўлади. Бодоми асосан йирик бўлиб, катталиги 31 x 15 x 14 дан тортиб 58 x 24 x 18 гача бўлади. Қиличга ўхшашроқ бироз эгилган бўлади. Пўчоғи ҳам қалин ҳам ғалвир пўчок, қўл блан осон чақиладиган бўлади. Тиниқсамон рангли бўлади, мағизи йирик, буришган, узун, бироз бурчакли, ширин, яхши там'ли бўлади. Бир килограммда ўрта ҳисоб блан 380 бодом бўлиб 50% мағиз; 57% мой беради.

П И С Т А

Ўрта Осиёда катта иқтисодий аҳамиятга эга. У, кўп вақт якка ўсимлик ҳолида ва камдан-кам тўда ҳолида учрайди. Асосан бу ўсимликнинг насли—уруғи ёввойи чакалакзорларга тўпланган. Ўрта Осиёда 250 минг гектардан ошиқ pista чакалакзорлари бўлиб, шундан 20—25% Ўзбекистонда ҳисобланади. Pista қуриқ, паст тоғ ва тоғ бағрлари, тепалиқ, кам тошли қояларда ўсади. Ўзбекистоннинг асосий pista ўрмонлари Ҳисор тоғи қиррасининг Боботоғ тармоқларида, Зарофшон тоғи қиррасининг ғарбий қисмида, Туркистон тоғи қиррасининг шимолий қиясида. Тиён-Шоннинг жанубий қиялари, Наманган атрофларида ва Фарғона тоғи қиррасининг қиялари—Андижон атрофларида ўсадилар.

Pista денгиздан 600—2000 м. баландликда ўсади. У, Ўрта Осиёда ўрмон ҳолида жуда кам учрайди. Фақат 0,25 гектардан иборат чакалакзори бор. Чакалакзорнинг бир-биридан, қуюқ бўлмаган ва кам зотли дарахтлар, майдонлар, ажратиб туради.

Шунингдек pista Эрон, Ироқ, Сурия тоғларида Ўрта денгиз бўйидаги қатор давлатларда ёввойи ҳолида ўсади.

Пистани меваси ейимли, аҳоли ўртасида кенг ёйилган ва кўп ист'мол қилинадиган, сер даромадли мева ҳисобланади. Савдо соҳасида Левант, Аллен, Тунис ва Сицилия нав'лари ма'лум.

Pista озиқ-овқат саноатида кенг исте'мол қилинади, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилади. Пистанинг мағизи жуда тўйимли, унда 55% гача мой 17—18% оқсил моддалари бор. У экспорт учун

жўнатилади. Писта мойи шунингдек парфюмерияда ишлатилади. Писта дарахти ёшилган ўрнида ва майда дуродгорчиликда ишлатилса бўлади. Писта пўчоғи лок тайёрлашда ишлатиладиган смола бўлади. Барги ва шохлари шира қурти чиққандан кейин бузғун—апис пистацеа — ҳосил бўлади. Бузғунда ипаклик материални бўйаш учун ишлатиладиган қимматли камеди бўлади. Бузғун савдо соҳасида бокхара номида маълум, улар 40% танин моддасига эга.

Пистанинг ботаник номи—пистацеа зора, русча номи фисташка, анакордилилар қабиласидан. Бута ва дарахт ҳолида ўсиб баландлиги 5—6 метргача етади, яхши шохлаганда дарахтнинг учи думалоқ бўлиб кўринади ва дарахт танасининг пастки 25 см. ва баъзи 80 см. гача йўғонлашади. Дарахт секин ўсади. У узоқ умрли. Тана ва ёски шохларининг ранги бўз рангда, пўстлоғи юпқа бўлади. Барги дағал тақ, яланғоч, бутун қиррали, кўмкук яшил рангда, жуда ҳам яхши смола ҳидли, қиш мавсумида баргини ташлайди. Гули икки уйли ўсимлик. Гули оддий, майда, сариқроқ гулларнинг шодасига ўхшаш, шохларнинг пинжигача қадалган бўлади. Оталик ўсимликлари кўп бўлиб, дарахтларни 54—70%ини ташкил қилади. Ҳосил бермайдиган оталик дарахтларнинг шунчалик кўп бўлиши ортқча эканлиги аниқ. Март, апрель ойида гуллайди. Сентябрьда ҳосил етилади. Меваси майда қуриқ данакча, пўчоғи қалин, мағизи ейимли, уруғи икки уйли кўкимтил, гунафша рангли қобикча ўралган бўлади. Ёғоч кенг бўлмаган тиниқ сариқроқ йўллик ёлдираклари бўлган қисми ва қўнғир пушти рангдаги жуда зич ва оғир бўлади. Йлдииз системаси жуда кучли, тупроқнинг чуқур ер ости намлик жойларигача етади.

Писта жуда қурғоқчиликка чидамли ўсимликдир. Пистанинг чакалакзорлари мавсумда 250—350 мм. ёнгарчилиги бўлган чўл зоналарида, Туркманистонда эса йилида 150 мм. умуман ёнгарчилик кўп бўладиган ерларда ҳам ўсади. Тупроқ шароитларини фарқ қилмайди, кучли бўз тупроқда шунингдек майда ва йирик майдаланган тошлоқ тупроқда ва ҳатто очик қоя тошлар, оҳак тошлари, қумлоқларда ҳам ўсаверади.

Писта уруғдан ва йлдииздан чиққанларни ажратиб экиш йўли блан кўпайтирилади. 12—15 ёшида ҳосилга киради. Одатда йил ошиб мўл ҳосил беради. Мавжуд

писта ўрмонларининг аҳволларини яхшилаш ва унумини кўтаришда ма'лум ташкилий чоралардан ташқари сийрак жойларни тўлгазиш учун уруғ сепиш ва кўчат ўтқозиш-ни, оталик нусхаларни оналик нусхалар блан пай-ванд қилинишни, доимий равишда зараркунанда ва ка-салликлардан сақлаш, дарахтларни плансиз кесиш ва ҳайвонлар пайхонлаб ташлашига йўл қўймаслик керак.

Профессор В. П. Дробовнинг «Ўрта Осиё мевалари-нинг ёввойи субтропик зотлари» номли асарида кўрса-тилган юқоридаги чорларни қўллаганда Ўрта Осиё пистазорларидан ҳар йили 25.000 тоннагача писта йиғиб-глиш мумкинлигини уқдириб ўтади. Писта хўжалигини реконструкциялаш, писта дарахтлари тўла экилганда етарли даромадда унумнинг ошиши мумкин.

Ўзбекистонда писта дарахтини кенг тарқатилиши учун барча имкониятлар бор. Бу дарахтнинг қуруқликқа чидамли бўлиши, тупроқ шароитларини танламаслиги, кам сув, бошқа шароитга ўрганган дарахтлар ўтқазили-ши мумкин бўлмаган ерларга писта дарахти ўтқозиш катта аҳамиятга эгадир. Ундан ташқари пистадан ҳимоя ўрмонлари экишда ҳам фойдаланилса яхши бўлади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўрта Осиё республикаларида бодом экишда агроқондалар ВНИИСС, Сталинобод 1941 йил.
2. Субтропик мевали ўсимликларнинг агроқондалари, НКЗ ГРУЗ ССР, Тбилиси, 1939 йил.
3. А. Александров. И. Охун—Зода, Анор «Социалисти-ческое земледелие» газетаси № 43, 22 февраль 1949 йил.
4. А. Александров ва бошқалар, РСФСР субтропикаси, курорт газеталар нашриёти, Сочи, 1940 йил.
5. Д. И., Баулин В. В. Белолипов, В. В. Кузнецов ва А. А. Рибakov Мевали бог ва узумзорлар агротехникаси, Ўзгиз, Тошкент 1948 йил.
6. Шарқий хурмо ўсимлигининг вақтинча агроқондалари, ВНИИСС, Сталинобод 1948 йил.
7. Ўрта Осиё республикаларида анор ва анжир ўсимликларининг вақтинча агроқондалари ВНИИСС, Сталинобод, 1948 йил.
8. В. Д. Городецкий Ўрта Осиё учун дендрология бўйича қўлланма. САОГИЗ, Тошкент, 1934 йил.
9. Т. Гутнев Хурмо «Социалистическое земледелие» газетаси, № 27 февраль 1949 йил.
10. А. Д. Зарецкий, Япон хурмоси. ВИР, Ленинград, 1934 йил.
11. З. И. Короткова Фейхоа, Сухуми, 1937 йил.
12. Б. М., Крейдик Б. С. Розанов, Анор ва анжир ўсимлиги Таж. ССР Давлат нашриёти, Сталинобод, 1940 йил.

13. Б. В. Кузнецов ва бошқалар, Ўзбекистонда мева дарахтларининг нав'лари, Тошкент, Давлат нашриёти 1938 йил.
 14. В. В. Кузнецов Ўзбекистон анорларининг нав'ига доир ЎзССР Ф. А. докладлари № 11, 1948 йил.
 15. А. Н. Левитин Ғарбий Қопет—Тоғда ёввойи ҳолда ўстирилган анжирлар ва уларни кўпайтириш, Гостехиздат, Тошкент 1940 йил.
 16. В. М. Легостаев. Суғориш ва уларнинг миқдорини белгилловчи фактлар САОГИЗ, Тошкент, 1932 йил.
 17. И. С. Леквейшвили Субтропик хурмо Груз. ССР. Дав. нашри, Тбилиси, 1948 йил.
 18. Кичик Совет энциклопедияси том II, 222 бет, СССР Огиз, Москва 1947 йил.
 19. Н. М. Момот Жанубий Қозоғистон ёнғоқлари ва хамрохлари ВНИИС, Сталинобод, 1940 йил.
 20. А. А. Рихтар, Урта Осиё республикаларида бодом ўстирилиш, Фанлар Академияси Филиали нашри, Тошкент, 1938 йил.
 21. З. С. Синельникова Т. С. Панфилова, Боғ-узумзор зараркунадалари ва улар блан кураш Ўз. Дав. нашр. Тошкент, 1937 йил.
 22. Совет Субтропикаси ва уларни ўзлаштириш, Шликов редакцияси остида. Лен. Дав. нашриёти, Ленинград, 1935 йил.
 23. «Советские субтропики» Бенедиктов ва бошқалар таҳрири остида СССР Ер ишлари халқ комиссарлари нашриёти, Москва, 1940 йил.
 24. Урта Осиё субтропик ўсимлиги, Дробов таҳрири остида Ўз. Дав. нашр, Тошкент. 1935 йил.
 25. Сумневич Ёввойи ҳолда ўсучи мевали дарахтлар ва буталар тўплам. Ўзбекистоннинг хомаш'ё ресурслари I. п. Ф. А. Ўзбекистон Филиали, Тошкент 1942 йил.
 26. Ю. С. Черненко, анжирнинг нав'лашга доир. Сочи тажриба станцияси, курорт газета нашри, Сочи, 1940 йил.
 27. В. Т. Чихладзе, Ўзбекистон ва Тожикистон ССРларда бодом ва уни ўстириш. Таж. ССР Давлат нашриёти, Сталинобод 1940 йил.
 28. К. Ширяева, Анжир, қишлоқ хўжалик энциклопедияси, том II 691—693 бет, 1933 йил.
 29. Н. И. Шербаков, Ўзбекистоннинг ўрмон зоналарини фитоклематик аналогияси. Ўз. Дав. нашриёти. Тошкент 1932 йил.
-

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи.	3
Анор.	4
1. Республикада анор экилган ерлар ва уларнинг тақсими.	4
2. Анордан фойдаланиш	5
3. Анорнинг агробиология характеристикаси	6
4. Анор дарахтининг тупроқ, оби-ҳаво шароитлари.	11
5. Анорнинг касали ва зарарли ҳашаротлар билан кураш	13
6. Ўзбекистонда экиладиган анорларнинг нав' таркиби	13
7. Ўзбекистонда кўпайтириш учун тавсия қилинадиган анор нав'лари	14
8. Анор нав'ларининг қисқача тасвири	15
Анжир.	19
1. Республикада анжирнинг тарқалиши ва экилиш сатхи	20
2. Анжирдан фойдаланиш.	20
3. Агробиология та'рифи	22
4. Анор ўсимлигининг тупроқ, оби-ҳаво шароитлари.	24
5. Анжир дарахтининг касали, зараркуналлари ва улар билан курашни усуллари.	25
6. Ўзбекистонда кўпайтириш учун тавсия қилинадиган анжир нав'лари.	25
7. Тавсия қилинган анжир нав'ларининг қисқача тасвири.	26
Ўзбекистонда анор, анжир экишда қисқа агротехника кўргазмалар.	28
Анжирни қуритишда қисқача кўргазма.	32

Хурмо	37
1. Тавсия қилинган хурмо нав'ларининг қисқача тарифи.	40
Фейхос	43
Хитой хурмоси.	44
Бодом.	45
1. Ўзбекистонда бодом экиш майдонлари ва уларнинг бўлиниши.	
2. Ёввойи бодомларининг қисқача та'рифи.	45
3. Агробиология характеристикаси.	47
4. Ўзбекистонда бодом ўсимлигининг агротехникаси ҳақида қисқача кўргазма.	49
5. Ўзбекистонда кўпайтириш учун тавсия қилинган бодом нав'лари.	50
6. Тавсия қилинган нав'ларининг қисқача та'рифи.	52
Писта	55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	

На узбекском языке

В. В. Кузнецов

Субтропические плодовые культуры в Узбекистане

С. Б. Солижонов таржимаси
Техника редактори—А. Т. Шепельков
Рассом—А. К. Ошейко

Р04197. Босишга рухсат берилди 30/XII-49 й. нашриёт л. 3,0
Босма л. 3,75. Тиражи 3000. Баҳоси 3 сўм 50 т.

ЎзССР Фанлар Академияси нашриётининг босмаҳонаси. Зак. 1074
Тошкент—1949